АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

ИНСОН ва ҚОНУН

2002 йил 12 НОЯБР сешанба № 45 (301) Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

Sharh

ПОЛВОНЛАР ЭЛГА ИФТИХОР БАҒИШЛАЙДИ

Президентимизнинг **"Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузиш тўғрисида"**ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг **"Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"**ги қарори халқимиз шаён-шавкати, ғуруруни узоқларга етказиш, кимлигимизни энг аввало, ўзимизга, сўнг ўзгаларга англатиш йўлидаги олижаноб ва буюк тадбирлардан биридир.

Мамлакатимизнинг келажаги, халқимиз таянчи ва биз, ота-оналарнинг умиди, бахти ҳисобланмиш фарзандларимиз эртасига қайғуриб, уларнинг истеъдоди, куч-қудратини дунёга намойиш этиш учун бошланган бу ззгу иш давлатимиз раҳбарининг узоқни кўзлаган тадбирларидан бири ҳисобланади. Ҳар бир ота-она фарзанд ўстирар экан, унинг камолини кўрсам, дея орзу қилади. Донишмандлардан бири айтганидек, ҳатто киприкни юқорига кўтариб, кўзни очиб, атрофга қараш учун ҳам инсонга куч-қувват зарур экан. Сиртдан қараганда, жуда оддий, арзимасдек туюладиган ушбу сўзнинг тагида жуда катта ҳикмат яширин. Айтмоқчимизки, бола ўсиб-улғайиб ўз орзу-ниятларини амалга ошириши учун одоб-ахлоқ, билим билан бирга соғлиқ муҳим восита, асосдирки, бусиз бир қадам ҳам олдинга силжиб бўлмайди. Барча ҳаракат ва ниятларнинг калити соғликдир.

Ҳар томонлама соғлом бола соғлом фикрлайди, келажакка ишонч билан қарайди. Бошқача айтганда, соғлом муҳит, соғлом вужудга эга бўлган кишигина ўз муҳитини бойитади.

Узоқ йиллар халқимизнинг андишасини, меҳмондўст, камсуқумлигини қўрқоқликка йўйганлар, таъна тошларини отганлар, отаётганлар кўп бўлди. Аммо улар бир нарсада янглишдиларки, ўзбек халқининг қонида мутелик, қўрқув йўқ, йиллар давомида шаклланган сабр, шукрона, бардошдек олижаноб фазилатлар устувор эди. Агар эътибор берсангиз, Юртбошимиз биринчи галда маънавият, қадрият ва тарихимизни тиклаган ҳолда фарзандларимизга улуғ аждодларимиз — Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Исмоил Бухорий каби алломалар таълимоти, дунё қарашини ўрганишлари учун йўл очиб берди. Чунки булардан сакраб ўтиб, буларни танимай, билмай, қалбга яқинлаштирмай туриб, комил инсон рутбасига эга бўлиш мумкин эмас.

Президентимизнинг биз юқорида тилга олган Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг қарори айтиш мумкинки, энг аввало, биз, ота-оналарнинг номи, ғуруруни узоқларга етказиш, кимлигимизни ўзимизга ва бошқаларга англатиш йўлидаги олижаноб, буюк тадбирдир. Буни ҳар биримиз юрақдан эътироф этамиз, қўллаймиз. Айниқса, вилоятимиз спортчиларининг қувончи чексиз, бундай имкон, келажакка ишонч, эришажак ғалабаларни олдиндан ҳис этиш барчани умидлантирди, ҳаракатга солиб қўйди.

— Юртбошимизнинг спортга бўлган эътиборини бутун дунё эътироф этмоқда, - дейди Халқаро Кураш ассоциацияси вилоят бўлимининг ижрочи директори Қаҳрамон полвон Сайфуллаев. — Бугун дунёда "Ўзбек кураши" деган атама пайдо бўлган экан, ўзбек кураши жаҳон спорт оламида янги спорт тури сифатида тан олинган экан, бунга ўзўзидан, осонгина эришилгани йўқ.

Бундан бир неча йил илгари Юртбошимиз кураш мутахассислари билан учрашиб, алоҳида маслаҳат ва кўрсатмалар бердилар. Кўп ўтмай жаҳон андозаларига мос келадиган қонун-қоидалар ишлаб чиқилди. Мазкур кураш қоидалари асосида синов тариқасида илк бор Бухоронинг Қоракўл туманида таниқли Турсун полвон хотира турнири ўтказилди. Сўнгра бобокалонларимиз Баҳоуддин Нақшбанд, Ат-Термизий, Амир Темур, Паҳлавон Маҳмуд, Мирзо Бобур хотира турнирлари ўтказилди. Қарабсизки, ўзбек кураши тарихимизнинг улуғ сиймоларини шарафлади,бугун эса шундай ният, шундай ном билан дунёга чиқди...

Юртимизнинг ҳар бир гўшасида полвон туғилишини ким истамайди дейсиз? Кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати ғолибларини ҳам Тошкентда, ҳам вилоятларда қутлаб, "Тико", "Дамас", "Нексия" автомобилларининг калитини топширишганида — ушбу фахрли, ҳаяжонли воқеаларни ўз кўзи билан кўриб, кутзатиб турган ота-оналарнинг юрагида улуғ, баланд ниятлар унган эди. Ўша кунлар оталар орзусида, оналар ниятида паҳлавонлар туғиладиган кун бўлиб қолди.

Минг шукрки, шундай фарахбахш кунлар бизга ҳам насиб этди. Ҳар лаҳза, ҳар кун турмуш тарзимиз, келажагимиз билан боғлиқ бир ўзгариш, янгиликлар пайдо бўлаяпти. Шофирконлик умидли, ёш, ҳамиша қурашга шай полвон, самбо, қўл жанги ва миллий кураш бўйича етти марта Ўзбекистон чемпиони Самад Рустамовнинг кечаги кун, кечаги армонлар ҳақидаги сўзи, назаримизда, ҳеч кимни бефарқ қолдирмаса керак:

— Бир пайтлар пионер, комсомол деган ташкилотлар бўларди. Ёшлар бундай уюшмалар рўйхатида турар, махсус йўл-йўриқ асосида овозларини овозига, қадамларини қадамига мослаб, ҳар қандай топшириққа "лаббай" деб "олға" кетаверарди. Шу йўриқ, шу йўсинда тарбияланган ёшлар, қарабсизки, ўз тарихи ота-боболарининг озодлик йўлидаги курашларини тушунмай, уларни душман — босмачи, дейишгача бориб етар, фикран ва жисмонан ўзига қарши курашишга тайёр эди. Шу тахлит халқимиз тақдирида узоқ йиллар маломат, зулм ёпишди... Бундай бедодликка мустақиллик туфайли чек қўйилди.

Мустақиллик йилларида халқимизнинг бутун куч-қудрати ва салоҳияти юзага чиқди. Авлодлар томирида оқаётган азалий хусусиятлар яна ҳаракатга келди. Бунинг натижаси ўлароқ юртдошларимиз жаҳон спорти саҳналарида оламшумул ютуқларни қўлга киритишмоқда. Бугунги кунда спортнинг деярли барча соҳаларида мамлакатимиз вакиллари фаол иштирок этишаяпти. Бу ютуқлар замирида истиқлол йилларида ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибор, яратилган тенгсиз шарт-шароитлар мужассам.

Президентимизнинг ушбу Фармони ҳам ана шу ғамхўрлик ва эътиборни узвий давомидир. Бу хайрли тадбир эртага, албатта, ўз самарасини беради. Зеро, халқ камолотига хизмат қилувчи ҳар қандай эзгу юмуш, ҳеч шубҳасиз, рўёбга чиқади.

Усмон ЖЎРАЕВ,
Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техникавий жиҳатдан ва молиявий таъминлаш Департаментининг Бухоро вилоят ҳудудий бўлими бошлиғи
Ражаббой РАУПОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Тошкент Давлат юридик институти ҳузурида инсон ҳуқуқлари бўйича клиника-талабалар маркази очилди.

* * *

Хитой Халқ Республикасининг Шанхай шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар бош прокуратуралари вакилларининг учрашуви бўлиб ўтди.

* * *

ЮНЕСКО ташаббуси билан Жанубий Кореяда ўтказилган "Маска ва рақс" деб номланган фестивалда Ургутнинг "Бешқарсак" жамоаси ғолиб деб топилди.

* * *

Ҳамдўстлик мамлакатлари талабалари ўртасида япон тили ва япон нотиқлиги бўйича Москвада ўтказилган танловда Самарқанд давлат чет тиллар институти талабаси Дилафрўз Абдуллаева ғолибликни қўлга киритди.

* * *

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги Фармони ва мазкур ҳужжатнинг ижросини таъминлаш юзасидан эса Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди.

Миллий матбуот марказида мазкур икки ҳужжатнинг моҳияти, аҳамияти ва мақсадига бағишланган матбуот анжумани бўлди.

* * *

Жалолқудуқдаги "Сўфиқишлоқ" пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти Мальта давлатида ўтказилган халқаро танловда нуфузли мукофот — "Рицарлар биллури"га сазовор бўлди.

* * *

Италиянинг Агрополи шаҳрида ташкил этилган XXI халқаро пианиночилар танловида Успенский номидаги республика ўрта махсус мусиқа мактаби интернатининг ўқувчиси ягона 1-даражали "Тито-Апреа" совринини қўлга киритди.

* * *

Россия иммунолог олимлари ОИТС га қарши вакцина яратишга муваффақ бўлишди.

Jurnalist surishtiruvi

ЧАЛКАШЛИКМИ ЁКИ ХАТО?

Тахририятга Бухоро вилояти, Олот туманидаги "Пахтакор" ширкат хўжалиги оила пудратчиси Боймурод Бозоровдан шикоят хати келди. Шикоят хатининг мазмуни қуйидагича: ***"Узоқ йиллардан буён оилам билан ширкат хўжалигида ишлаб келаман. 2001 йил 6 ноябр куни оиламизга хўжаликнинг биринчи бригадаси ҳудудида жойлашган олтинчи контурдаги уч гектар ер танлов натижасига кўра беш йилга шартнома асосида берилди. Бу ҳақда ширкат хўжалиги тасарруфида бўлган ер майдонини оила пудрати бошлиғи, яъни менга бириктириб бериш тўғрисидаги далолатнома ҳам тузилиб, унга ширкат хўжалиги собиқ раиси Қ. Абдуллаев, бош ҳисилот А. Шоиров, ер тузувчи А. Турдиев, ҳуқуқшунос М. Бобоевлар имзо чекишган. Шундан сўнг оилам билан 2002 хўжалик йили учун деҳқончилик ҳаракатини бошладик. Бироқ шу йил 9 феврал куни ширкат хўжалиги раҳбари Қаҳрамон Абдуллаев ва туман ер ресурслари хизмати бошлиғи Қаюм Ҳамроев оила пудратимизга тегишли бўлган ерни биздан розилик олмасдан нафақахўр Ҳалима Рўзиевага (Худойберди Жумақулов номидаги фермер хўжалиги раҳбари) ноқонуний равишда олиб берди. Бу ҳақда собиқ туман ҳокими С. Оққиевга ариза билан мурожаат этдим. Аммо туман мутасаддилари аризам билан қизиқишни ҳам исташмади. Шундан сўнг вилоят ҳокимиятига ёзма равишда мурожаат қилишга мажбур бўлдим..."***

Мазкур ариза юзасидан журналист суриштируви ўтказишдан олдин ширкат хўжалиги раҳбари Қ. Абдуллаев оила пудрати бошлиғи Б. Бозоров билан беш йилга тузилган шартномани қандай қилиб бор-йўғи уч ойдаёқ бузишга ўзида "журъат" топган, деган саволга жавоб изладик. Зеро, хўжалик тақдири қўлида бўлган раҳбар қонун бузилишига йўл қўяётган экан, бошқалардан нимани умид қилиш мумкин? Шикоят хатида ёзилишича, айни шу савол Б. Бозоровнинг дилини ҳам хуфтон қилган. Шундан сўнг у вилоят адлия бошқармасига мурожаат этган. Адлия бошқармаси унинг мурожаатини чуқур ўрганиб, ҳақиқат у томонда эканини аниқлади. Шу йил 26 март куни туман ҳокими С. Оққиев номига киритилган

ДАЛОЛАТНОМАСИ

ширкат хўжалиги раҳбари Қ. Абдуллаев оила пудратини бошлиғи Б. Бозоровдан шикоят хати келди. Шикоят хатининг мазмуни қуйидагича: "Узоқ йиллардан буён оилам билан ширкат хўжалигида ишлаб келаман. 2001 йил 6 ноябр куни оиламизга хўжаликнинг биринчи бригадаси ҳудудида жойлашган олтинчи контурдаги уч гектар ер танлов натижасига кўра беш йилга шартнома асосида берилди. Бу ҳақда ширкат хўжалиги тасарруфида бўлган ер майдонини оила пудрати бошлиғи, яъни менга бириктириб бериш тўғрисидаги далолатнома ҳам тузилиб, унга ширкат хўжалиги собиқ раиси Қ. Абдуллаев, бош ҳосилот А. Шоиров, ер тузувчи А. Турдиев, ҳуқуқшунос М. Бобоевлар имзо чекишган. Шундан сўнг оилам билан 2002 хўжалик йили учун деҳқончилик ҳаракатини бошладик. Бироқ шу йил 9 феврал куни ширкат хўжалиги раҳбари Қаҳрамон Абдуллаев ва туман ер ресурслари хизмати бошлиғи Қаюм Ҳамроев оила пудратимизга тегишли бўлган ерни биздан розилик олмасдан нафақахўр Ҳалима Рўзиевага (Худойберди Жумақулов номидаги фермер хўжалиги раҳбари) ноқонуний равишда олиб берди. Бу ҳақда собиқ туман ҳокими С. Оққиевга ариза билан мурожаат этдим. Аммо туман мутасаддилари аризам билан қизиқишни ҳам исташмади. Шундан сўнг вилоят ҳокимиятига ёзма равишда мурожаат қилишга мажбур бўлдим..."

390-сонли тақдимномада Боймурод Бозоровга тегишли бўлган уч гектар ер майдони Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 17 февралдаги 57-сонли қарорига асосан қайтариб берилиши лозимлиги қайд этилди. Мазкур тақдимномага асосан туман ҳокимлигида Ҳ. Рўзиеванинг ҳужжатлари ноқонуний деб топилиб, унга ер ажратиш тўғрисидаги қарор бекор қилинади. Бундан хабар топган ширкат хўжалиги раҳбарияти «ғимирлаб» қолади. Чунки аризада келтирилишича, 2002 йил 15 апрел куни вакиллар йиғилиши ташкиллаштирилиб, унда туман ҳокимлиги вакиллари Б. Бобоев, Б. Ибодовлар ширкат хўжалигининг Ҳ. Рўзиевага ер ажратиш тўғрисидаги қарори бекор қилинганини ошкор этишган. Ширкат хўжалигининг 2001 йил 8 июндаги Ҳ. Рўзиевага ер ажратиш тўғрисидаги қарори қалбаки эканини хўжалик котиби М. Бобоев, бош ҳосилот Д. Раҳматов ва иқтисодчи Я. Қобуловлар ҳам тасдиқлашган.

Хуллас, далиллар асосида ер пудратчи Б. Бозоровга қайтарилган. Энди бироз эркин нафас ола бошлаган пудратчи муддатидан анчагина кеч, яъни 24 апрел куни ерга чигит қадаган. Бироқ ер ўзиники эканига қўникиб қолган Б. Бозоровнинг йўлига кўп ўтмай яна Ҳ. Рўзиева тўғаноқ бўла бошлайди. У тегишли ташкилотлар билан шартнома тузиб, чигит, минерал ўғит ва ҳатто ер учун "Турон" банкидан маблағ олишади.

Шу ўринда табиий савол туғилади: ширкат хўжалиги раҳбари Қ. Абдуллаев Б. Бозоров билан шартнома тузилгандан сўнг айнан унинг пудратига тегишли бўлган ер майдонини қандай асосда янги тузилган Худойберди Жумақулов номидаги фермер хўжалиги тасарруфига ўтказган? Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июлдаги 300-сонли қарорида шартнома тузилгандан сўнг ўн кун муддат ичида ер ресурслари туман хизмати вакили фермер хўжалиги ташкил этилган ердаги ширкат хўжалиги вакили иштирокида фермер хўжалиги бошлиғига ижарага берилаётган ерларни жойида кўрсатишни амалга ошириши белгиланган. Шунингдек, унда контур бўйича берилаётган ер майдони чегаралари аниқланиб, қўшни чегаралар ҳам кўрсатилган бўлиши шарт.

(Давоми иккинчи бетда)

Konstitutsiya va biz

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти муносабатлари кенг ривожланиб бораётган бугунги кунда тадбиркорлик фаолияти ривожланишини таъминлаш ва унинг олдидаги тўсиқларни бартараф этиш мақсадида тадбиркорликнинг конституциявий асосларини тўғри тушуниш муҳум аҳамият касб этади. Конституциямиз барча ҳуқуқлар каби тадбиркорлик ҳуқуқининг ҳам асосий манбаси ҳисобланади. Бу ўринда Конституциянинг 53-моддасини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мазкур модда ҳар бир фуқаронинг хусусий мулк эгаси бўлиш ва тадбиркорлик билан шуғулланиш ҳуқуқига эга эканлигини кафолатлайди. Шунингдек, ушбу моддада хусусий мулк дахлсиз ва давлат ҳимоясида, деб белгиланганлиги ҳам тадбиркорларнинг мулкий мустақиллигининг зарур конституциявий кафолатидир.

Шунингдек, Конституциянинг 54-моддасида ҳам мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши мумкинлиги белгиланган. Мулк эгаси, жумладан, тадбиркорлар ўзига тегишли мулкка эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиш ҳуқуқини ўз хоҳиши билан амалга оширади, мулкидан хоҳлаган хўжалик фаолиятини амалга оширишда фойдаланиши мумкин. Давлат эса ўз навбатида бу ҳуқуқни қонун билан тартибга солиб, мулк шаклларидан қатъий назар, уларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлайди.

Шу ўринда изоҳлаш жоизки, тадбиркорликнинг конституциявий кафолатлари бир вақтнинг ўзида икки хил вазифани бажаради. Биринчидан, у бевосита ҳаракатдаги қонун сифатида одил судловни таъминлайди. Яъни тадбиркорлар ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда бевосита Конституциядаги моддаларга мурожаат қилишлари мумкин. Суд эса ўз қарорларида бевосита ушбу моддаларни назарда тутиши мумкин.

Иккинчидан, Конституцияда белгиланган тадбиркорлик фаолиятига оид қоидалар қонун чиқарувчи идора томонидан фуқаролик, тадбиркорлик, молия ва солиқ қонунчилиги ишлаб чиқишда ҳуқуқий асос ҳисобланади. Бундан ташқари у ижроия ҳокимиятнинг тадбиркорлар ҳуқуқларини таъминлаши бўйича фаолиятини ҳам белгилаб беради.

Шуни таъкидлаш керакки, бирорта қонун ёки бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжат Конституция меъёрларига ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас. Бу тадбиркорларнинг асосий қонунда кўрсатилган конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини кафолатлайди, уларга қарши ёки уларни ўзгартиришга қаратилган ҳуқуқий қоидалар қабул қилиниши мумкин эмаслигини таъкидлайди. Ушбу кафолатни Конституцияни махсус тарзда муҳофаза қилиш мақсадида илк бор жорий этилган Конституциявий Суд таъминлаши унинг 108-109-моддаларида ифодаланган.

> ***Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шаклдаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.***
>
> **Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 53-модда.**

Конституциявий Суд барча қонунлар, Президент Фармонлари, Вазирлар Махкамаси, ҳокимликлар қарорлари ва мамлакатимизнинг бошқа давлатлар билан тузган шарномаларининг Конституциямиз талабларига мослигини назорат қилиб туради ва улар Конституцияга зид бўлган тақдирда бу тўғрида қарор чиқаради. Конституциявий суднинг қарорлари матбуотда эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киради ва улар устидан шикоят қилиш мумкин эмас.

Тадбиркорлик фаолиятининг конституциявий асосларини таҳлил қилар эканмиз, аввало, ҳар бир тадбиркор шу мамлакат фуқароси эканлигини унутмаслик лозим. Шунинг учун фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини кафолатлайди, уларга қарши ёки уларни ўзгартиришга қаратилган ҳуқуқий қоидалар қабул қилиниши мумкин эмаслигини таъкидлайди. Ушбу кафолатни Конституцияни махсус тарзда муҳофаза қилиш мақсадида илк бор жорий этилган Конституциявий Суд таъминлаши унинг 108-109-моддаларида ифодаланган.

этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳақли эмаслиги тўғрисидаги қоидани бевосита тадбиркорлик фаолияти субъектларига ҳам тааллукли дейиш мумкин.

Конституцияда фуқаролар ва давлатнинг бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари ўзаро боғлиқ эканлиги қайд этилган. Бундан кўриниб турибдики, давлат ва тадбиркор фуқаролар муносабатлари ҳам тенглик асосида ташкил этилган бўлиб, улар ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга. Бу шахс манфаати билан жамият ва давлат манфаатининг узвийлиги, уларнинг бир-бирини тўлдириши, бир-бирига мувофиқ келиши демакдир. Бинобарин, мамлакатимизда жамият, давлат, жамоа ва шахс ўртасидаги муносабатлар асосида барча мулкларнинг (хусусий, оммавий ва умумий мулк) тенг ҳуқуқлилиги ётади.

Маълумки, Ўзбекистон ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди. Бу ўз навбатида давлат ўз идоралари ва мансабдор шахслари орқали тадбиркор фуқаролар олдида масъул эканлигини ҳам белгилайди.

Конституциянинг 25-моддасига асосан тадбиркор фуқароларга эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи берилган. Шу билан бирга улар қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас. Тадбиркор фуқаролар шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан ҳимояланиш ҳуқуқига, турар жой дахлсизлиги ҳуқуқига (27-модда) ҳамда мамлакат ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, қонунда белгиланган тартибда мамлакатга келиш ва чиқиб кетиш ҳуқуқига ҳам (28-модда) эга. Ҳеч ким қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас. Бошқача айтганда, давлат ҳеч қачон ҳеч ким бошқа шахснинг ҳуқуқини бузишига асло йўл қўймайди. Давлат ушбу ҳуқуқларни фуқаровий, маъмурий, жиноий-ҳуқуқий воситалар билан қўриклашга кафолат беради.

Кўриниб турибдики,мамлакатимизнинг асосий қонуни бўлган Конституциямизда тадбиркорлар фаолиятининг ҳуқуқий асоси тўлиқ ўз аксини топган. Бу эса тадбиркорлик фаолияти қонун ҳимоясида эканлигини билдиради.

Ғофур АЛИЕВ,
тадқиқотчи

"ИНСОН ва ҚОНУН"га

ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

"Ўзуйжойжамғармабанк"нинг Сурхондарё бўлими "Инсон ва қонун" газетасининг 22 октябр сонида чоп этилган "Суд қарори: унинг нега пайсалга солинмоқда?" сарлавҳали мақола юзасидан таҳририятга қуйидагиларни маълум қилади:

Сурхондарё вилоят хўжалик судининг 2001 йил 12 мартдаги №01-63/6-сонли хўжалик иши бўйича чиқарилган ижро варақасига асосан жавобгар Сурхондарё вилоят "Таълим савдо" корхонасидан 3.701.320 сўм ундириш тўғрисида 2001 йил 2 май куни №4-сонли инкасса талабномаси тақдим қилинган.

Мазкур талабнома банк томонидан ижро учун қабул қилиниб, тўловчининг ҳисоб рақамида эркин пул маблағлари йўқлиги туфайли Адлия вазирлигидан 15 апрел 2002 йилда №1122-сон билан рўйхатдан ўтган "Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида"ги Низомига асосан тўловини кутаётган №2-сонли картотекага жойлаштирилган. Мазкур картотекада "Таълим савдо" корхонасининг тўловини кутаётган ижро ҳужжатлари бир неча миллион сўмни ташкил этади. 22.01.1999 йилда №104В-сонли "Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисоб варақаларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш ТАРТИБИ"га биноан ундирувчи фойдасига тақсимот бўйича тўловлар амалга оширилиб борилган.

Суд қарори 2002 йил 23 октябрда ижро этилиб, ундирувчи "Бойсунтайёрлов" МЧЖи фойдасига тўловчи "Таълим савдо" корхонаси зараридан 3.701.320 сўм тўлиқ тўлаб берилган.

Баён этганларга кўра, рўзномада чоп этилган мақола юзасидан банк бўлимида тушунтириш ишлари олиб борилиб, йўл қўйилган камчиликларнинг такрорланмаслиги борасида чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Х. САДАЕВ,
"Ўзуйжойжамғармабанк" Сурхондарё вилоят бўлими бошқарувчиси

Jurnalist surishtiruvi

ЧАЛКАШЛИКМИ ЁКИ ХАТО?

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Ер майдони берилаётганда эса Б.Бозоров оила пудратига тегишли 6-контурдаги ер иккинчи марта фермер хўжалигига берилиб, далолатнома (агарда Худойберди Жумақулов номидаги фермер хўжалигига ажратилган ерни кўрсатиш тўғрисида тузилган бўлса)га имзо қўйилган.

Чалкашликни қарангки, олтинчи контурдаги ер майдонидан уч гектар ер Б. Бозоров бошлиқ оила пудратига берилган бўлса, Ҳ. Рўзиевага худди шу жойдан беш (!) гектар ер ажратилган. Хўш, аслида олтинчи контурда неча гектар ер мавжуд?

Шикоятчи хатида хўжаликнинг биринчи бригадаси ҳудудида жойлашган олтинчи контурда аслида беш гектар ер мавжуд бўлиб, тузилган шартномада унга уч гектар ер берилганини айтган. Шунингдек, қолган икки гектар ерни ҳам шартнома асосида қўшиб беришни сўраб, хўжаликнинг янги раҳбари Бозор Раҳматовга мурожаат қилганида раис бу таклифни рад этгани, бироқ икки гектар ерда икки нафар ишчи ишлаб, техника, минерал ўғит ва уларнинг иш ҳақлари ҳам ўзининг ҳисобидаги чекдан беш гектарга берилиб келинганини таъкидлаган.

Бундай чалкашлик ширкат хўжалиги раисига нима учун керак бўлганини ўзидан бошқа ҳеч ким билмайди.

Дарвоқе, туман ҳокими С. Оққиев 2002 йил 22 апрел куни адлия бошқармаси томонидан ҳокимиятга киритилган тақдимномага Б. Бозоров билан Ҳ. Рўзиева ўртасидаги низо ҳолати ўрганилганда, улар ўзаро келишишга рози бўлишмагани туфайли томонларнинг даъво аризаси фуқаролик ёки хўжалик судида кўрилиши мумкинлиги тўғрисидаги жавоб хати йўллайди. Шу боис Ҳ. Рўзиева энди "Пахтакор" ширкат хўжалиги устидан вилоят хўжалик судига даъво аризаси ёзади. У ўз даъво аризасида ширкат хўжалиги вакиллар йиғилишининг 2002 йил 15 апрелдаги қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ва беш гектар ер майдонини қайтариш ҳамда ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириб беришни сўраган. Ширкат хўжалиги маъмурияти эса негадир судга даъвогарнинг даъво аризасига нисбатан ёзма фикрини тақдим этмайди. Айни шу ҳолат энди Ҳ. Рўзиеванинг "сувни тескари оқизиш"га уринишига туртки бўлади. Гап шундаки, вилоят хўжалик судида 2002 йил 27 май куни Н. Жалолов раислигида бўлиб ўтган суднинг ҳал қилув қарорида шундай дейилган: "Пахтакор" ширкат хўжалиги аъзоларининг 2001 йил 8 июндаги умумий йиғилиш қарори билан Ҳ. Рўзиеванинг аризаси қаноатлантирилиб, унга фермер хўжалиги ташкил қилиши учун беш гектар экиш учун ва беш гектар яйловдан ер майдони ажратиб берилиши тасдиқланган қарори Олот туман ҳокимлигидан сўралган". Ажабо, Б. Бозоров шикоятида 15 апрел куни бўлган йиғилишда хўжалик бош ҳисоби Д. Раҳматов ва иқтисодчи Я. Қобулов ўша куни (8 июн) бу ҳақда ҳеч қандай йиғилиш ўтказилмаганини, кимдир раиснинг хонасидаги тортмадан Ҳ. Рўзиевага тегишли ҳужжатларни ўғирлаб олиб, қарордан кўчирма олганини тасдиқлаганини баён этилган. Қолаверса, хўжалик котиби М. Бобоевнинг туман ҳокими номига ёзган тушунтириш хатида ҳам шундай жумлалар бор: "Мен хўжаликнинг Ҳалима Рўзиевага ер ажратиш тўғрисидаги қарори нусхасига раисдан кейин имзо қўйганман. Лекин қарор ноқонуний тарзда кечиктирилиб чиқарилганини билгач, раисга пудрат аъзоларининг розилиги йўқлигини айтиб, муҳр босиб бермаганман. Қарор лойиҳаси раиснинг тортмасида эди. Ҳ. Рўзиева хўжалик раҳбариятига ер ажратиш тўғрисида икки марта ариза берган. Лекин у 8 июн куни ўтказилган йиғилишга келмади. Ўша куни ер масалалари билан боғлиқ бошқа масалалар кўрилди. Бироқ унинг иккинчи марта берган аризасига асосан хўжаликнинг 2001 йил 8 июн қароридан кўчирма берилган. Мен унга билмасдан имзо қўйганман. Қарорнинг сохталигини эса туман прокуратурасида ҳужжатлар билан танишганимда билдим. Чунки уни қайднома дафтарига мен қайд қилмаганман".

Ана холос! Нега вилоят хўжалик суди бу тушунтириш хатларига эътибор қаратмади? Ҳақиқат тарозуси айнан шу сабаб туфайли бошқа томонга оғиб кетмаганмикан? Бунинг устига хўжаликнинг биринчи бригадаси олтинчи контурида аслида қанча ер майдони мавжуд эканини вилоят хўжалик суди ҳам аниқлаштирмаган. Балки бу хўжаликнинг янги раҳбари Бозор Раҳматов айби билан содир бўлгандир? Нега деганда, у суд мажлисига даъвогар даъвосини инкор этувчи ҳужжатларни тақдим этмаган. Бу хато эса ундан-да катта хатонинг юзага келишига сабаб бўлган. Яъни суд ширкат хўжалиги вакиллар йиғилишининг шу йил 15 апрелдаги қарорини ҳақиқий эмас деб топиб, беш гектар ерни оила пудратчиси Боймурод Бозоровдан (ахир, унинг пудратида уч гектар ер майдони мавжудку!) Ҳалима Рўзиева раҳбарлигидаги Худойберди Жумақулов номидаги фермер хўжалиги тасарруфига ўтказиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқаради. Шундан сўнг Ҳ. Рўзиева 9 сентябр куни Олот туман хўжалик суди ижрочисини (у ўзини таништирмаган ҳам) етаклаб келиб, Б. Бозоровга даладан чиқиб кетишини талаб этган. 23 сентябр куни яна пудратчига дағдаға қилган. Пудратчи эса қўлида беш йиллик шартнома борлигини айтиб, 2006 йилгача ерга ўзи эгалик қилишини таъкидлаган. Бироқ дўқ-пўписалар билан қайтиб кетган Ҳ. Рўзиева 25 сентябр куни энди участка нозири Ш. Тангриевни етаклаб келиб, пудратчидан тушунтириш хати ёздириб олган.

Б. Бозоров шикоят хатида 2 октябр куни ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишни сўраб, туман прокурори қабулига боргани, аммо рад жавобини олганини ёзади.

Хуллас, қўлида ширкат хўжалиги билан беш йилга тузилган шартномаси бўла туриб, пудратчи Б. Бозоров ҳамон сарсон.

Бу ўринда фермер хўжалиги раҳбари Ҳ. Рўзиевани ҳам айблаш фикридан йироқмиз. Чунки унинг қўлида ҳам вилоят хўжалик судининг ерга эгалик ҳуқуқини берувчи ҳал қилув қарори бор. Бошқача айтганда, оила пудратчиси ҳам, фермер хўжалиги раҳбари ҳам ўзича ҳақ. Хўш, унда ким айбдор? Калаванинг бир учи шунга келиб тақалмаяптими? Бу ҳолат оддий чалкашликми ёки хатолик? Энг асосийси, ким «сувни лойқалатгани»ни аниқлашни мутасадди ташкилотлар эътиборига ҳавола этамиз.

Ўйлаймизки, улар бу масалага тезда ойдинлик киритишади.

Шерали НИШОНОВ,
Абдумўмин ҚУЛТЎРАЕВ,
"Инсон ва қонун" мухбирлари

Faoliyat

ИШОНЧНИ ҚЛАГАН ТЕЛЕФОН

У ШЕРОБОДЛИК ТАДБИРКОРНИНГ ОВОРАГАРЧИЛИГИНИ БАРТАРАФ ЭТДИ

Ҳозирги пайтда вазирлик, идора ва бошқармаларда "Ишонч телефонлари" ишлаб турибди. Фуқароларга яратилган қулайликлардан бири бўлган бундай телефон Сурхондарё вилоят адлия бошқармасига ҳам ўрнатилган.

Шеробод туманида жойлашган Б.Қўзиев номидаги хусусий фирма бошлиғи унга қўнғироқ қилиб, 2001 йилда тумандаги ширкат хўжаликларига ўзаро шартномага асосан маҳсулот етказиб берганини, аммо орадан бир йил ўтган бўлса-да, ҳақини ололмай сарсон бўлиб юрганини билдирди.

Адлия бошқармаси ходимлари керакли ҳужжатларни олиб келишни айтишди. Шундан сўнг тадбиркор адлия бошқармасига етиб келди.

Маълум бўлишича, Шеробод туманидаги Б.Қўзиев номидаги хусусий фирмаси тикувчилик цехи ташкил этган эди. Бу цехда пахта йиғим-теримида учун фойдаланиладиган турли этаклар, кийим-кечаклар тайёрланиб берилган.

Инсофли, ёлғончиликдан узоқроқда турган ширкат хўжаликлари ўзлари олган маҳсулот ҳақини тўлаб, фирманинг ишончини оқлаган. Аммо шоли курмаксиз бўлмаганидек, бир қатор ширкат хўжаликлари ўтган йили шартномага кўра олган маҳсулотларнинг ҳақини тўламай, тадбиркорни сарсон қилишган. Натижада хусусий фирма кўплаб миқдорда моддий ва маънавий зарар кўрган. Масалан, тумандаги Э.Бердиев номидаги ширкат хўжалиги 2001 йил 1 декабр кунида тузилган 39-сонли шартномага мувофиқ хусусий фирмадан 1 миллион 115 минг сўмлик турли хил маҳсулот олган. Ҳақини тўлашга келганда эса ваъдага вафо қилмаган. У. Туропов номидаги ширкат хўжалиги ҳам хусусий фирмадан шартнома асосида 2 миллион 852 минг 228 сўмлик турли хил маҳсулотларни олишга олди-ю, ҳақини беришни "унутди".

Шунингдек, Н.Муродов номидаги ширкат хўжалиги 2 миллион 515 минг 140 сўмлик, "Дўстлик" ширкат хўжалиги 875 минг 426 сўмлик маҳсулотларнинг ҳақини тўлашда лафзсизлик қилишди.

Хуллас, шу тариқа тадбиркор ҳақини ололмай ширкат хўжаликлари ўртасида сарсон-саргардон бўлди. Ниҳоят, "ишонч телефони" орқали вилоят адлия бошқармасига мурожаат этди. Адлия бошқармаси ходимлари тадбиркорнинг ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритди. Суд масалага чуқур ёндашиб, даъво аризасини қаноатлантиришни лозим топди. Суд қарорига асосан тадбиркор Б.Қўзиевнинг ҳисобига Э.Бердиев номидаги ширкат хўжалигидан 427 минг 200 сўмлик, У.Туропов номидаги ширкат хўжалигидан 3 миллион 104 минг 941 сўмлик, Н.Муродов номидаги ширкат хўжалигидан 3 миллион 530 минг 760 сўмлик, "Дўстлик" ширкат хўжалигидан 1 миллион 120 минг сўмлик асосий қарз ва устамалар ундириб берилди. Шунингдек, "Хатак" ширкат хўжалиги 304 минг 80 сўм, туман "МТП" давлат акционерлик жамияти 217 минг сўм, тумандаги 20-сонли автожамланма 498 минг сўм, "Шеробод" ширкат хўжалиги 990 минг сўм пулни суд қарорига асосан хусусий фирма ҳисобига тўлашга мажбур бўлди. Шу тариқа "Ишонч телефони" орқали тадбиркор 12 миллион сўмлик ҳақини ундириб олишга эришди. Таъбир жоиз бўлса, "Ишонч телефони" тадбиркор ишончини тўлиқ оқлади.

Собиржон КАРИМОВ,
ҳуқуқшунос



Юксаклик завқи

Qonun dastagi

ВАЪДА – "ТУЯ КЎПРИКДАН ЎТГУНЧА" ЭДИМИ?

Халқимиз азал-азалдан "сўз бердингми, уни бажар", деган ибратли ўгитга амал қилиб келган. Давр ўтиши билан у замонавийликка юз тутган ва бугунги кунга келиб, тилдан қоғозга кўчди. Бошқача айтганда, қонун кучини кашф этди.

Ана шундай мукаммал шартномага ўтган йили бир томондан Қўшкўпир туманидаги «Хоразм» ширкат хўжалиги раиси Ф.Рўзимов ва иккинчи томондан хўжаликнинг 9 нафар пудратчиси ўз номларидан жимжимадор имзо чекишди. Пировардида 9 нафар пудратчининг бари ширкат хўжалигига буғдой етказиб бериш юзасидан олган мажбуриятларини адо этишди ва шартноманинг тегишли бандига мувофиқ режадан ташқари етиштирилган ғаллани ўз тасарруфларига олиш ҳуқуқини қўлга киритишди. Бироқ хўжалик раҳбари шу жойда "сўзи"дан тонди. Пудратчилар режадан ташқари етиштирган жами 1,28 тонна ғаллани тап тортмай тортиб олди.

Раиснинг ваъдаси "туя кўприкдан ўтгунча" эканлигини пудратчилар шундагина англаб етишди. Томонлар ўртасида имзоланган шартнома аслида қонун кучига баробар ҳужжат эканлигини раис ҳатто хаёлига ҳам келтирмади. Раис-ку қонунни четлаб ўтди, бироқ қонун раиснинг бу хатти-ҳаракатини асло кечирмади. Қонун номи билан иш кўрган адлия-суд идоралари табиийки, деҳқон тараф бўлишди. Пудратчиларга етказилган жами 777,6 минг сўмлик моддий зарар хўжалик ғазнасидан, 180 минг сўмлик маънавий зиён эса раиснинг чўнтагидан ундирилиб, ўзининг ҳақиқий эгасига берилди. Бу билан оддий деҳқон-пудратчиларга "мушт дўлайтган" раиснинг "хурмача қилиқ"ларига чек қўйилгандир, дерсиз? Ҳа, чек қўйилди. Бироқ бунга раиснинг шартномавийликка нисбатан яна бир беписандлигидан сўнггина муваффақ бўлинди. "Оларда кирар жоним, берарда чиқар жоним" қабилида иш тутишнинг ҳадисини олган раис шартномавий битимларни менсимасликка қаратилган бу хатти-ҳаракатини юқоридаги воқеадан ҳам анча аввал фермер И.Худойберганов билан бўлган муносабатда намоён этганлиги ҳолати ҳам шикоят сабаб юзага чиқди. Маълум бўлишича, хўжалик раҳбарларининг масъулиятсизлиги оқибатида фермер И.Худойберганов 1999 йили 10 гектар пахта майдони ҳисобига давлатга топширилган 31,2 тонна ҳосилнинг пулини 3 йил мобайнида ололмаган. Хўжалик раҳбари фермернинг бу борадаги илтимос-илтижоларини муттасил равишда рад этиб келган. Можаролар марафони адлия бошқармаси аралашувидан сўнггина якун топди. Тегишли суд маҳкамаси "Хоразм" ширкат хўжалиги ҳисобидан "Илҳом" фермер хўжалиги бошлиғи И.Худойберганов фойдасига 711,7 минг сўмлик даромад пули, 463,7 минг сўмлик жарима ва моддий зиён қийматини, раис Ф.Рўзимовдан эса 30 минг сўм миқдоридаги маънавий зарарни ундириб бериш юзасидан адлия бошқармаси тақдим этган аризани қаноатлантириш юзасидан ўз қарорини эълон қилди.

Адлия тизими ходимларининг шу аснодаги саъй-ҳаракатлари натижаси ўлароқ қоидага хилоф равишда ўз ҳамкори "Дилшодбек" фермер хўжалиги зиммасига пилла етиштириш мажбуриятини юклаган Ҳазорасп туманидаги "Шарқ юлдузи" ширкат хўжалиги 2001 йили пудратчи деҳқонлар томонидан етказиб берилган ғалла ҳосили учун 2 миллион 488 минг сўмлик меҳнат ҳақини тўлашни узоқ вақт мобайнида пайсалга солиб келган. Қўшкўпир туманидаги "Тошкент" ширкат хўжалиги ерни пудратчиларга тақсимлаб берсада, улар билан шартнома тузишни асоссиз равишда чўзиб келган. Боғот туманидаги "Туркистон" ширкат хўжалиги фермерларга кўрсатилган хизмат ҳақини ноқонуний равишда натура тарзида ундирган вилоят машина трактор парклари давлат-ҳиссадорлик жамиятлари "Тоғон" фермер хўжалиги тасарруфига 19,2 гектар қўшимча ер майдони ажратилишида қонунбузилишига йўл қўйган Шовот туманидаги Н.Ботир номидаги ширкат хўжалиги ва мазкур туман ҳокимлиги, шунингдек, бошқа қатор корхона, хўжалик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари ҳам жиддий равишда огоҳлантирилди.

Умуман айтганда, биргина жорий йил мобайнида вилоятдаги деҳқончилик саноати мажмуи билан турли хўжалик субъектлари ўртасида жами 33 миллион 990 минг сўм қийматда тузилган 3578 та контрактация, 24,3 миллион сўмга баробар 18 минг 900 та ички хўжалик шартномалари таҳлил этилди. Кўриб-кузатишлардан аён бўлдики, аксарият контрактация ва ички шартномалари ҳукмрон мавқега эга хўжалик субъектларининг манфаатларини ҳимоя қилади. Ана шунинг учун ҳам шартномавийлик қоидаларига зид иш тутган раҳбар ва мутасаддиларнинг хатти-ҳаракатлари юзасидан тегишли ҳокимликлар ва идора, ташкилотларга 7 та тақдимнома юборилди. 6 нафар мансабдор шахс интизомий жазога тортилди, 4 нафар раҳбар ходимга нисбатан қўзғатилган маъмурий ишлар хўжалик суди ҳукмига ҳавола этилди. Ўз ҳамкорларига қонундан тап тортмай панд берган 92 та хўжалик ташкилоти раҳбар — "ёшулли"ларга суд олдида жавоб бердилар. Улар раҳбарлик қилган идора ва ташкилотлар ҳисобидан жами 170 миллион 231 минг сўмлик моддий ва маънавий зарарни ундириш бўйича судларга даъво аризалари киритилди. Эътиборли жиҳати шундаки, судлар адлия бошқармасининг аксарият мурожаатларини асосли, деб ҳисоблади. Мансаби, бурчи ва вазифасига панжа орасидан қараган амалдорларга эса қонун талабини "эслатиб" қўйди.

Фарҳод ЭШНАЗАРОВ,
Хоразм вилояти

Mitti maslahat

ДАСТЛАБКИ СИНОВ МУДДАТИ

Мамлакатимизда ҳар бир фуқаро меҳнат қилиш, эркин касб танлашда тенг ҳуқуқга эга. Аммо баъзида фуқароларнинг қанчалик билим ва тажрибага эга эканлигини текшириб кўриш мақсадида ишга қабул қилиш вақтида дастлабки синов муддати тайинланиши мумкин. Меҳнат Кодексининг 84-моддасида дастлабки синов муддати асосан ходимнинг топширилаётган ишга лаёқатлилигини билиб олиш учун иш берувчи томонидан меҳнат шартномасида кўрсатилган ҳолда белгиланиши мумкинлиги қайд этилган.

Дастлабки синов муддати тайинланганидан сўнг 3 ойдан ошиб кетмаслиги лозим. Синов муддатининг ҳар бир куни меҳнат стажига киритиб борилади. Қонунларда белгиланишича, айрим тоифадаги шахсларга ишга қабул қилишда дастлабки синов муддати тайинланиши мумкин эмас. Бу тоифадаги шахсларга ҳомиладор, уч ёшгача тўлмаган боласи бўлган аёллар, шунингдек, олти ойгача муддатга ишга қабул қилиш ҳақида ходимлар билан меҳнат шартномаси тузилганда дастлабки синов белгиланмайди. Синов натижаси тўғрисида ходимга дастлабки синов муддати тугашига 3 кун қолганда ёзма равишда хабар берилиши лозим. Агар ходимга хабар берилмаган бўлса, меҳнат шартномасининг амал қилиш муддати давом этаверади.

Рустамхон АБУЛХАЙРОВ
тайёрлади

Saboq

ПИЁЗИГА КУЙМАГАН ФЕРМЕР



"Миришкор" фермер хўжалиги 621966-сонли қабул хати орқали 10 тонна пиёзни Уйчи савдо харид бўрдоқичилик хўжалигига етказиб берди. Икки тарафлама тузилган 167-сонли контрактация шартномасида Уйчи савдо харид бўрдоқичилик хўжалиги олинган маҳсулот 3 банк кунида ҳисоб-китоб қилиши лозимлиги қайд этилган. Контрактация шартнома бандларида тўловдан бўйин товлагани учун 15 фоиз миқдорида жарима, тўловнинг кечиктирилган ҳар бир кунига 0,4 фоиздан устама ҳақлари тўланиши белгилаб қўйилган эди.

Бироқ Уйчи савдо харид бўрдоқичилик мутасаддилари бунга ўз вақтида аҳамият беришмади ва ҳисоб-китоб қилишни "унутиб" қўйишди. Шу сабабли "Миришкор" фермер хўжалигининг раҳбари бу ҳақда вилоят адлия бошқармасига мурожаат этишга мажбур бўлди. Адлия бошқармаси мазкур аризани атрофлича ўрганиб чиқди. Ҳақиқатдан ҳам 167-сонли контрактация шартномалари Уйчи савдо харид бўрдоқичилик хўжалиги мутасаддилари томонидан қўпол равишда бузилгани аниқланди. Шундан сўнг вилоят адлия бошқармаси "Миришкор" фермер хўжалигининг манфаатини қўзлаб вилоят хўжалик судига даъво аризасини киритди.

Даъвонинг қисқача мазмуни шундан иборат эди: "Миришкор" фермер хўжалиги билан Уйчи савдо бўрдоқичилик хўжалиги ўртасида икки тарафлама 167-сонли контрактация шартномаси имзоланди. Ана шу шартномага мувофиқ Уйчи савдо харид бўрдоқичилик хўжалиги "Миришкор" фермер хўжалигидан 621966-сонли қабул хати орқали 10 тонна пиёзни қабул қилиб олади. Олинган маҳсулотни баҳоси икки юз минг сўмни ташкил этади. Бироқ Уйчи савдо харид бўрдоқичилик хўжалиги пиёзнинг пулини ўз вақтида тўламайди.

Вилоят хўжалик судининг судьяси Ю. Дадабоев раислигида бўлиб ўтган суд жараёни мазкур масалага янада ойдинлик киритди.

— Хўжалик судига даъво аризаси қўзғатилгач, — дейди даъвогарнинг вакили К. Орипов, — жавобгар — Уйчи савдо-харид бўрдоқичилик хўжалиги 37-сонли тўлов топшириқномаси билан 14915 сўм, 55-сонли тўлов топшириқномаси орқали 185085 сўм — жами икки юз минг сўмни тўлаб, асосий қарзни узди. Бироқ жавобгар — "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуннинг 32-моддасига асосан тўловдан бош тортгани учун тўлов-маблағининг 15 фоизи, яъни ўттиз минг сўм жарима, тўловнинг кечиктирилган ҳар бир кунига тўрт фоиз тўлов маблағининг 50 фоиздан ортмаган юз минг сўм устама, шунингдек, фермер хўжалиги раҳбарининг кўрган маънавий зарарини тўлаши лозим.

Суд мажлисида иштирок этган Уйчи савдо харид бўрдоқичилик хўжалиги бош ҳисобчиси Ф. Мукдизова даъвогарнинг судга келтирган барча важларини тан олди. Бироқ даъвогарнинг ўттиз минг сўм маънавий зарарни ундириш ҳақидаги талабига қўшилмади. Суд томонларнинг фикр-мулоҳазаларидан ташқари бу низоли масалага прокурорнинг муносабатини ҳам эшитди.

— Суд жараёнигача жавобгар асосий қарзни тўлаган экан, — дейди прокурор Ш. Абдуллаев. — Даъвонинг бу талабини суд мажлисидан чиқариш лозим. Жарима ва устама ҳақидаги талабларни қаноатлантириш керак. Маънавий зарарни ундириш ҳақидаги даъво эса фуқаролик судига тааллуқли.

Суд ишга дахлдор ҳужжатларни ўрганиб чиқди. Даъвогар билан жавобгар вакилларининг суд мажлисидаги тушунтиришларини, прокурорнинг даъвони қисман қаноатлантириш ҳақидаги таклифни инобатга олди.

Суд гарчанд жавобгар суд мажлисигача асосий қарзни даъвогарга тўлаган бўлса-да, даъвогарнинг ўттиз минг сўм жарима, юз минг сўм устама ҳақи ундириш тўғрисидаги даъво талаблари Фуқаролик Кодексининг 324-325-моддаларига кўра асосли эканини таъкидлади. Даъвогарнинг маънавий зарарни ундириш талабини эса рад этди.

Суднинг ҳал қилув қарорига биноан Уйчи савдо харид бўрдоқичилик хўжалиги "Миришкор" фермер хўжалиги фойдасига ўттиз минг сўм жарима, юз минг сўм устама ҳақи тўлади. Шунингдек, 1800 сўмлик давлат божи ва 1500 сўм суд харажатларини ҳам жавобгар ҳисобидан қопланадиган бўлди.

Хуллас, фермер пиёзига куймади. Ўз вақтида ҳисоб-китоб қилмаган Уйчи савдо-харид бўрдоқичилик хўжалиги эса лафзсизлик яхши оқибатга олиб келмаслигига амин бўлди.

Маъмур МУСУЛМОНОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Lafzsizlik

ҚИММАТГА ТУШГАН ҲАВАС

Ҳозирги кунда фалончининг бунча қарзи бор экан, тўламай қочиб юрибди, фалончи биттасини ишлатиб, ҳақини бермаяпти, деган гап тез-тез қулоққа чалиниб қолади. Келинг, биз ҳам сизни ҳайрон қолдириш мақсадимиз йўқлигини аввалдан айтиб қўяқолайлик. Зеро, бундай номақул ишлар ҳақида ёзиш учун ҳаётий тажриба ҳам талаб этилса керак. Айни шуниси йўқ. Буни мардларча тан олганимиз маъқул. Аслида шундай хислат ҳар биримизда бўлиши шарт. Мақтаниш учун эмас, афсус билан таъкидлаб айтмоқчимизки, шундай мардлик "Сардоба" пахта тозалаш корхонаси раҳбарларида етишмади.

Келинг, ҳаммасини бошдан айтиб берайлик. Воқеанинг бошланиши шундай:

"Шартнома. 1998 йил 20 октябр.

ТОМОНЛАР МАЖБУРИЯТЛАРИ:

I. Ижарага берувчи шахсий автомобилини (12 А 45 03) пахта толасини ташиш учун ижарага беради.

II. Ижарага берувчи юк автомобилининг ёқилғисини, эҳтиёт қисмларини ва шофёрининг иш ҳақини ўз ҳисобидан тўлайди.

III. Ижарага олувчи ижарага берувчи томонидан тушган ҳисоб-китобни олиш ҳар ойнинг охирги кунида ижара ҳақини "Ижарага берувчи"нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради..."

Яхшилаб ўйлаб қарасак, ҳаётда бундай ювош ижарага берувчи камдан-кам топилади. Автомашинани маза қилиб миниб, ҳақини вақтида тўлаб, кира қилиб юравер. Йўқ, бундай бўлмади. Аслида корхона директори бўлган И.Мингбоев яхшиликни билмайдиган одам эди. Автомашинани саккиз ой ишлатиб, саккиз тийин ҳам тўламади. Бу ёқда эса ижара ҳақини тўлаб қўйинг, деб "Саид Аҳмад" фермер хўжалиги раҳбари З.Абдуғаффоров ва бош ҳисобчи хат ёзавериб чарчади. 1998 йил 15 июлга келиб қарз 788011 сўмга етди. Бу ҳақда шу кунги таққослаш далолатномаси ҳам тузилди. Бу орада эса "ижарага олувчи" бошлиғи ўзгариб, янги раҳбар тайинланди. Аммо у ҳам масалани ҳал этмади. Яна бир йил ўтди, шу билан бир аср ўтиб кетди. Ниҳоят, XXI асрга келиб, яъни шу йил июл ойида "Сардоба" пахта тозалаш корхонасига Мирзаобод тумани Мирзо Улуғбек номидаги деҳқон-фермер хўжалиги бирлашмасидаги "Саид Аҳмад" фермер хўжалиги ҳисоб рақамига 38211 сўм ижара ҳақини тўлаши лозимлиги ҳақида вилоят хўжалик судининг ижро варақаси топширилди.

"Оқолтиндон" ҳиссадорлик жамияти "Сардоба"дан ҳам ўтиб кетди. Гап шундаки, жамият ҳар бир кунга 15 минг сўм, байрам ва якшанба кунлари 80 минг сўм, иш вақтидан ортиқча ҳар бир соат учун 2000 сўмдан ҳақ тўлаш шарти билан Сайҳунобод туманидаги "Истиқлол" фермер хўжалигининг "Тико" русумли автомашинасини ижарага олади. Бошқача айтганда битта автомашина учун ойига 450 минг сўм тўлашга келишилган. Буёғи қандай бўлди, дерсиз? Ҳали айтганимиздек, энди сиз ҳам барибир лол қолдингиз. Ҳисобини топишганини қаранг-а? Бир ойда 30 кун, тўрт якшанба, яна бир кун байрам бор эмиш... Автомашина тинмай ишлайверадими? Яна ижарачи иш вақтидан ташқари автомашинани миниб чойхонага борса-чи?

«Ҳайдаганинг икки эчки, ҳай-ҳайлаганинг тоғни бузади», деган мақол айни "Оқолтиндон" раҳбарларига нисбатан айтилган бўлса керак. Жамиятнинг шунча пулини совуриб, автомашина мингандан кўра, ўша шахс пиёда юрса бўлмасмиди? Яна жамият раҳбарларининг важини қаранг: жамият ҳисоб рақамига пули йўқлиги учун хизмат ҳақини тўлай олмаётганмиш. Бироқ бу баҳона энди ўтмайди. Шартнома қандай талаблар билан тузилганидан қатъий назар, саккиз ойдаги ҳақини тўлашга тўғри келади. Суд ҳукми қатъий. Фақат "Оқолтиндон" ҳиссадорлик жамиятининг ночор аҳволи ҳисобга олиниб, ижара ҳақини бўлиб-бўлиб ундиришга қарор қилинди.

А. АБДУЛЛАЕВ,
ҳуқуқшунос
Абдулазиз ЯХШИЛИКОВ

Huquqiy ma`rifat

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

У ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҚАРОРЛАРНИНГ ИЖРОСИДАГИ МУҲИМ АҲАМИЯТИ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Судларнинг мустақиллиги ва мавқеини ошириш, улар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг ижросини таъминлаш масаласи ҳозирги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу ўринда фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан чиқарилган қарорларнинг ижроси ва суд қарорларини ижро этишда қонунларнинг тўғри қўлланиши масаласи алоҳида эътиборни тақозо этаётганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Бош қомусимиз — Конституциямизда мамлакатимиз ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга ошириши қайд этилган. Шунга биноан прокуратура идораларининг ана шу ваколати судлар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг ижросини таъминлашда ҳам муҳим ўрин тутади. Жумладан, фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан қабул қилинган қарорларнинг ижроси, уларнинг қонуний ва асосланган ҳолда чиқарилганини, шунингдек, уларнинг ижро этилиши жараёнида қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишига йўл қўймаслик масалалари прокуратура идораларининг вазифаларидан ҳисобланади.

Маълумки, ижро босқичида судлар ва давлат идоралари ҳамда жамоат ташкилотларининг қарорларида акс эттирилган кўрсатмалар амалга оширилади. Суд томонидан даъвони қаноатлантириш тўғрисидаги қарорнинг чиқарилиши унинг тўғридан-тўғри, яъни автоматик ижро этилишини англатмайди. Мисол учун айтадиган бўлсак, ишдан ғайриқонуний равишда бўшатилган деб топилиб, ишга тиклаш тўғрисидаги суд томонидан чиқарилган қарорга эга бўлган шахсни корхона раҳбари ишга олишдан бўйин товласа, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари тикланган ҳисоланмайди. Аниқроқ айтадиган бўлсак, суд қарорларининг самараси ва кучи унинг ижроси билан белгиланади. Шу боис прокурор суд қарорлари ижроси устидан алоҳида назорат олиб бориши лозим.

Прокурор назоратида суд қарорлари, ҳал қилув қарори, ажримларини ижро этиш босқичида амалга ошириладиган барча оралиқ процессуал ҳаракатлар назорат предмети бўла олади. Шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликлар, мол-мулк ундириш бўйича суд қарорлари; нотариал идораларнинг ижро варақалари, корхона, ташкилот, муассаса, касаба уюшмаларининг зарарни ундириш ҳақидаги меҳнат низолари юзасидан чиқарилган қарорлари; турар жойларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олган ёки авария ҳолатидаги уйларда яшовчи шахсларни маъмурий тартибда уй-жойдан чиқариш тўғрисидаги прокурор қарорлари ҳам назорат предметига киради. Қарорларнинг ижроси босқичида жиноят натижасида етказилган зарарни фуқаролик тартибида ундириш қисмлари ҳам прокурор назоратининг предмети ҳисобланади. Айрим прокурорлар фуқаролик ишлари бўйича қабул қилинган қарорлар ижросини назорат этишда жиноят ишларидан келиб чиқувчи фуқаролик ишларининг судлар томонидан кўриб чиқилишига етарли эътибор бермайди. Жиноят ишини кўрувчи судларга айрим ҳолларда шу жиноятдан келиб чиққан моддий зарарни тан олган ҳолда жиноят ишини фуқаролик судларига топшириш ҳуқуқи берилган. Фуқаролик ишлари бўйича судлар етказилган зарарларнинг ҳажмини аниқлайди ва ишнинг шу қисми учун қарор чиқаради. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, судга даъво қўзғатишда етказилган зарарнинг миқдорига таллуқли ҳисоб-китоб маълумотлари, жавобгарликка тортилиши лозим бўлган шахсларнинг доираси чуқур ва ҳар томонлама ўрганилиб, даъво талабининг қонунга мувофиқ бўлиши таъминланиши лозим. Бунда ундирилиши лозим бўлган зарар миқдорининг судда асоссиз камайтирилишига йўл қўйилмаслиги муҳим аҳамиятга эга. ФПКнинг 370-моддасида прокурор қўзғатилган даъволар бўйича қонуний кучга кирган суд қарорларининг барча давлат идоралари, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилиши устидан назорат ўрнатилиши зарур. Прокурор суд қарорлари ва ажримларнинг мажбурий ижросини талаб қилиш тўғрисидаги ФПКнинг 34-моддасида белгиланган ҳуқуқдан фойдаланиши мумкин. Шунингдек, прокурор судьяларнинг ашёларни рўйхатдан чиқариш тўғрисидаги қабул қилинган қарорларига ҳам алоҳида эътибор қаратишлари шарт. Маълумки, судлар, суд ижрочилари, корхона, ташкилот муассасалар, мансабдор шахслар ёки фуқаролар қарорлар ижросини таъминловчи субъектлар ҳисобланади. Ушбу субъектлар томонидан йўл қўйилган қонунбузарликларни бартараф этилиши юзасидан тегишли прокурор таъсир ҳужжатлари — тақдимнома, огоҳнома, протест киритишда прокурор назорати юзага келади. Прокурор назорати корхона, ташкилот, муассасаларга етказилган моддий зарарни қоплаш, ғайриқонуний равишда ишдан бўшатилган шахсни ишга тиклаш, уй-жойдан чиқариш, алимент ундириш тўғрисидаги суд қарорларининг қонуний ва ўз вақтида ижро этилишига нисбатан ҳам қаратилади. Бунда қабул қилинган қарорларнинг қонуний ёки асосланганлигини прокурор уни ижро этиш ишидан манфаатдор бўлган шахс шикоят берган тақдирдагина текширади. Ушбу ҳолларда у ўз ваколатларидан келиб чиқиб, суд қарори ижросини таъминлаш чораларини кўради. Шу билан бирга прокурор нафақат шикоят тушган қарорларни, балки қабул қилинган барча қарорларнинг ижросини яхлит тизим шаклида назорат этиб боради. Бундан ташқари, прокурор бошқа давлат идораларининг қарор ёки фармойишларининг тўғри ва ўз вақтида ижро этилиши устидан ҳам назорат олиб бориши шарт.

Ижро босқичини назорат этиш прокурор ижро варақасини тўғри тўлдирилганини, унинг мазмуни суд қароридаги кўрсатмаларга мослигини, унга тегишли ҳужжатлар илова қилинганлигини текширади. Шунингдек, зарарни ундиришнинг белгиланган тартибига риоя этилаётганлиги устидан ҳам назоратни амалга ошираётган прокурор раҳбарларнинг бухгалтер билан биргаликда келишиб ижро варақасида кўрсатилган ушланмалар миқдорини камайтирмаслигини текширади. Ижрочи фаолиятини назорат қилиш жараёнида прокурор ундан ҳар қандай ижро ишини талаб қилиши, йўл қўйилган қонунбузарликлар юзасидан тушунтиришлар олишга ҳақли.

Қарорларни ижро этиш тартиби бузилганлиги аниқланган, прокурор суд ёки адлия идораларига бу тўғрида тақдимнома юборади. Улар тақдимнома юзасидан чора-тадбирларни кўриб, бу тўғрида прокурорга хабар беришлари лозим. Ижрочи суд қарори ижросида тартиббузарликка йўл қўйса, прокурор ушбу ҳолат юзасидан судга протест келтиради. Башарти, суд қарорларини ижро этишдан бўйин товлаш жиноий тусга эга бўлса, у ҳолда прокурор айбдорга нисбатан жиноий иш қўзғатишга ҳақли ҳисобланади.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, фуқаролик ишлари бўйича чиқарилган қарорларнинг ижро этилишида прокурор назорати муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, прокуратура идораларининг жамият ҳаётидаги мавқеи ҳам ана шу ваколатнинг қандай амалга оширилишига бевосита боғлиқ.

Муродилла АБДУҲАКИМОВ,
Рустам АБУЛХАЙРОВ



Сокинлик

Tahlil va taklif

АДВОКАТЛИК СИРИ

Ҳозирги пайтда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, уларнинг ҳуқуқлари бузилиши олдини олиш ёхуд бузилган ҳуқуқларини қонун йўли билан тиклашда адвокатлик фаолияти алоҳида аҳамият касб этади. Мамлакатимизда адвокатура ҳамда адвокатларнинг мавқеини ошириш мақсадида бир қанча ишлар амалга оширилди ва улар фаолиятини тартибга солишнинг қонунчилик асослари яратилди. Жумладан, **"Адвокатура тўғрисида"**ги, **"Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"**ги Қонунлар қабул қилинди. Ушбу қонунларда адвокатнинг ҳуқуқи, процессуал ваколатлари, дахлсизлиги, фаолиятининг кафолатлари каби асосий қоидалар белгилаб берилди ва мустаҳкамлаб қўйилди.

Аммо адвокатлик фаолиятининг ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашда ўз ечимини кутаётган бир қатор муаммолар ҳам мавжудки, қуйида ана шу ҳақда фикр юритамиз.

"Адвокатура тўғрисида"ги Қонунда олий юридик маълумотга эга бўлган ва белгиланган тартибда адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия олган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикасида адвокат бўлиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Бундан ташқари мазкур қонуннинг 9-моддасида адвокатлик сири жумласига мижознинг адвокатдан ёрдам сўраб мурожаат этгани, мижоз ёрдам сўраб мурожаат этган масалалар, адвокатдан мижоз олган маслаҳатлар, йўл-йўриқлар ва тушунтиришларнинг моҳияти, адвокатнинг мижоз билан ўтказган суҳбатида тўхталиб ўтилган барча масалалар киради, деб қайд этилган.

Бу ерда гўё ҳамма нарса аниқ ва равшандек туюлади. Лекин адвокатга ёрдам сўраб мурожаат этган шахс маълум бир жиноятга тайёргарлик кўрилаётгани, жиноят содир этилаётгани ёки жиноят содир этилгани ҳақида аниқ билиши ёхуд содир этилган жиноятда у ҳам иштирокчи эканлиги ҳақида батафсил маълумот берган вазиятда, адвокат қандай йўл тутиши лозим?

Табиийки, бундай масалалар бахсли ҳолатни юзага келтиради. Бу ўринда адвокат муайян жиноятнинг содир этилиши ёки содир этилганлиги ҳақида аниқ маълумотга эга бўлмокда. Унинг кейинги ҳаракати қандай бўлиши лозим? У ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мижози билан бўлган суҳбат юзасидан хабар беришга мажбурми ёки хабар бермаслиги ҳам мумкинми?

Жиноят Кодексининг 31-моддасида жиноятга тайёргарлик кўрилаётгани, жиноят содир этилаётгани ёки жиноят содир этилгани ҳақида аниқ била туриб, олдиндан ваъда бермаган ҳолда, ҳокимият идораларига хабар қилмаганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилиши кўрсатилган. Бундан, адвокатнинг мижози билан бўлган суҳбати унинг жиноятга дахлдорлигини келтириб чиқарар экан-да, деган хулоса чиқариш, назаримизда, нотўғри. Чунки, "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуннинг 9-моддасида адвокатдан мижоз ёрдам сўраб мурожаат этган масалалар ҳам адвокатлик сири жумласига кириши кўрсатилган. Демак, адвокат ва мижоз ўртасида бўлган суҳбат адвокатнинг жиноятга дахлдорлигини келтириб чиқармайди.

Бундан ташқари, адвокат ва унинг ёрдамчисидан адвокатлик сири предмети ҳисобланган ҳолатлар тўғрисида бирон-бир тушунтириш ёки кўрсатмалар беришни талаб қилиш, шунингдек, улар ҳақида тезкор-қидирув фаолиятда, жиноят ишлари, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар ва бошқа ишларни юритишда фойдаланиш учун бирон-бир маълумот тақдим этишни талаб қилиш ман этилади.

Шу билан бирга, адвокат, адвокатнинг ёрдамчиси, бюролари, ҳайъатлари ва фирмалари мансабдор шахслари ва техник ходимлари адвокатлик сири бўлмиш маълумотларни ошкор этиши ва бу маълумотлардан ўз манфаатлари ёки учинчи шахслар манфаатлари йўлида фойдаланиши ман қилинади.

Адвокатлик касб сири ҳақида фикр юритганда, яна қайд этиш жоизки, у ҳамма даврларда ҳам муҳим саналиб келинган. Буни француз адвокати Жильберт Девуазенинг 1842 йилда адвокатлик касб сири институтини ҳимоя қилиб билдирган фикрлари ҳам тасдиқлайди. У: **"сирнинг муқаддаслиги адвокатуранинг энг муҳим шарти эканлигига ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас. Адвокат, ҳуқуқшунос-маслаҳатчи фуқароларни ҳимоя қилиш учун керак. Аммо уни лозим даражада бажариш учун аввало, мижозларнинг ишончи зарур, бу нарса сирнинг сақланишига ишонч бўлмаган жойда бўлиши мумкин эмас. Бусиз адвокатлик ва шунга ўхшаш касблар бўлиши ҳам ақлга сиғмайди"**, деган фикрни билдирган.

Юқоридаги фикрлардан кўринадики, адвокат адвокатлик сирини ҳар қандай ҳолатда ҳам ошкор этиши мумкин эмас. Лекин адвокат умумэътироф этилган инсонийлик тамойилидан келиб чиқиб, содир этилиши кўзда тутилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилигини англаган ҳолда ва унинг адвокатлик сирини ошкор қилиши мижозга зарар етказмаслигини эътиборга олиб, кўп қурбонлар бўлиши мумкин бўлган катта бир жиноятнинг олдини олишга ёрдам бериши мумкин.

Эътибор қаратиш лозим бўлган яна бир масала қуйидагича: адвокат кундалик ҳаётда содир этилаётган ёки содир этилган жиноятдан бевосита хабардор бўлиб қолса ва у ҳақда аниқ маълумотларга эга бўлса, у ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга хабар бериши лозим. Акс ҳолда, у жиноятга дахлдор ҳисобланиши мумкин.

Демак, адвокат маълум бир жиноят ҳақида фақат адвокатлик фаолияти билан шуғулланаётган ва жиноят ҳолатларидан мижози орқали хабар топганда жиноятга дахлдор ҳисобланмайди. Бошқа ҳолатларда у жиноятга дахлдор бўлиши мумкинлиги инкор этилмайди.

Мамлакатимизда юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда адвокатларнинг ўрни беқиёс катта аҳамият касб этади. Шундан келиб чиқиб, таъкидлаш жоизки, адвокатларнинг ваколатларини кенгайтириш, уларнинг масъулиятини янада ошириш, энг асосийси, бу борадаги қонунларни узлуксиз равишда такомиллаштириб бориш — давр тақозо этаётган заруратдир.

Эргаш САЙИТОВ,
ҳуқуқшунос
Шаҳзод САЙДУЛЛАЕВ,
талаба

Zamon savollari

БАЁННОМАНИ КИМ ТУЗАДИ?

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятига тараққиёт ва фаровонлик омили деб қаралмоқда. Шу боис адлия идоралари зиммасига тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш вазифаси юклатилди. Мисол учун айтадиган бўлсак, биргина Андижон адлия бошқармаси томонидан жорий йилнинг ўтган даврида тадбиркорлар манфаатини кўзлаб судларга 370 миллион сўмлик 80 та даъво аризалари киритди.

Судларга киритилган даъво аризалар кўриб чиқилиб, 37 таси бўйича адлия идоралари ходимларининг талаблари тўлиқ қаноатлантирилди. Натижада тадбиркорлик субъектлари фойдасига 107 миллион сўмлик моддий зарар ва бой берилган фойдалар ундирилди. Биргина тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилаётган мансабдор шахслардан ундирилган маънавий зарарлар миқдори олти миллион сўмдан ортиб кетди.

Ҳозирги пайтда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизими янада мустаҳкамланмоқда.

Шу билан бирга айрим муаммолар ҳам учраб турибдики, қуйида ана шуни баён этмоқчимиз.

Гапни узоқдан бошлайдиган бўлсак, тадбиркорлик субъектлари ва шартнома интизомининг қонунийлигини таъминлаш бўйича адлия идораларига жуда катта мажбуриятлар юкланган. Қонунга биноан, адлия ходими бу икки йўналиш бўйича ҳуқуқбузарликни аниқлашдан тортиб, иш судда кўрилиб ҳал этилгунга қадар мустақил иш олиб боради. Лекин айрим ҳолатларда маҳалий бошқарув идоралари ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари томонидан адлия ходимларига нисбатан ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этиш ҳолатлари ҳам учрайдики, бу ҳол адлия ходимларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни янада кучайтиришни тақозо этади.

Шу боис тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг шартнома шартларига амал қилишини ҳуқуқий ҳимоялаш бўйича адлия идораларига қўшимча ваколатлар бериш лозим деб ўйлаймиз. Жумладан, Жиноят ва Жиноят-процессуал, Хўжалик-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексларга адлия ходимларига жиноий, маъмурий иш қўзғатиш ва кўриб чиқиш ваколатлари берадиган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш зарур.

Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 57-сонли қарорига биноан адлия идораларига тадбиркорлик субъектларини назорат қилувчи идоралари томонидан ноқонуний текширишларни назорат қилиш ваколати юклатилган. Ҳолбуки, ҳуқуқбузарликнинг бундай кўринишлари учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 241-моддасида маъмурий жавобгарликни кўриб чиқиш ваколати судга берилган.

Кўриниб турибдики, ноқонуний текшириш ўтказганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги баённомани қайси идора тузиши керак, деган саволга жавоб Кодексда ўз ифодасини топмаган. Хуллас, гапнинг индаллосини айтадиган бўлсак, адлия идоралари ўз вазифаларини адо этиб, ноқонуний текширишларни аниқлайди, лекин айбдор мансабдор шахсларни жазолаш механизми йўқ. Агар шундай ваколатлар адлия идоралари вакилларига берилса, бу соҳадаги иш самараси ошган ва қонунчиликка риоя этишни назорат қилиш кучайган бўлар эди, деб ўйлаймиз.

Рустамжон ИМОМОВ,
ҳуқуқшунос

САВОЛ БЕРИНГ!

Уни хат ҳамда 132-14-18, 133-84-50 рақамли телефонлар орқали кутамиз.

— 1996 йили турмуш ўртоғим билан қонуний тарзда ажрашдим. Орамизда уч нафар фарзандимиз бор эди. Ажрашганимиздан сўнг собиқ хотинимнинг бепарволиги сабабли кичик ўғлим автофалокат туфайли оламдан ўтди. Мен 1997 йилда иккинчи марта бошқа аёл билан никоҳландим. Аммо собиқ хотиним мен уйда бўлмаган вақтларда уйимга келиб, ҳозирги оилам билан жанжал қилиб кетади. Айнан унинг туҳмат қилгани боис мактабдаги ишимдан ҳам айрилдим.

Ҳурматли таҳририят! Бундай кимсаларга нисбатан қандай қонуний жазо чоралари мавжуд? Шунингдек, биринчи никоҳдан туғилган фарзандларимга тўлашим лозим бўлган алимент миқдори ҳар қандай даромаднинг 33 фоизи қилиб белгиланган. Шу тўғримми? Уларга (икки нафар) қанча миқдорда алимент тўлашим керак? Ҳозирги никоҳимдан ҳам икки нафар фарзандим бор. Бунинг устига ҳеч қаерда ишламаяпман.

Собир БОЗОРОВ,
Нарпай тумани

— Ҳақорат қилиш, туҳмат қилганлик учун Жиноят Кодексининг 139-140-моддаларда жавобгарлик масаласи белгиланган.

Оила Кодексининг 99-моддасида ота-онанинг вояга етмаган болаларига тўлайдиган алимент миқдори ҳақида сўз юритилган бўлиб, унга мувофиқ агар вояга етмаган болаларига таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаса, уларнинг таъминоти учун алимент суд томонидан ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ёки бошқа даромаднинг бир бола учун тўртдан бир қисми; икки бола учун учдан бир қисми; уч ва ундан ортиқ бола учун ярми миқдорида ундирилади. Бу тўловларнинг миқдори тарафларнинг моддий ёки оилавий аҳволи ва бошқа эътиборга лойиқ ҳолатларнинг ҳисобига суд томонидан камайтирилиши ёки кўпайтирилиши мумкин.

Ҳар бир бола учун ундириладиган алимент миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан кам бўлмаслиги лозим.

Саволга ҳуқуқшунос Саломат НИЁЗОВА жавоб берди.

Mitti maslahat

ИНСОН ЁШИ ҚАНДАЙ АНИҚЛАНАДИ?

Олий суд Пленумининг 1991 йил 20 декабрдаги (1997 йил 2 май ва 1998 йил 11 сентябрдаги Пленумида қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган) **"Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларнинг белгилаш ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"**ги 5-сонли қарорининг 11-бандида **"юридик фактларни белгилаш тартибида фуқароларнинг ёшини аниқлаш судларга тааллуқли бўлмай, сақланмаган ва тушириб қолдирилган ёзувларни фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш давлат идоралари томонидан тикланаётганда амалга оширилади. Агарда фуқаро ҳужжатларга эга бўлмаса ёки уларда ёши ҳақидаги маълумот бўлмаса ёхуд қарама-қарши маълумотлар бўлса, ёшини аризачи ҳужжатларда кўрсатилган туғилганлик вақтига эътироз билдираётган бўлса, ёшни аниқлаш халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгаш ҳузадиган комиссиялар томонидан медицина хулосасига ва уни ёши ҳақидаги бошқа далилларга берилган баҳога асосан амалга оширилади. Комиссиянинг қароридан норози бўлган фуқаро ФПКнинг 269-271-моддалари тартибида судга шикоят қилишга ҳақлидир"** деб қайд этилган эди. Ўз навбатида ёшни аниқлаш ҳақидаги комиссиялар фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг 171-сонли қарори билан ўз кучини йўқотган эди. Натижада юқоридаги ҳолатда судлар ёшни аниқлаш судга тааллуқли эмаслиги ҳолати бўйича фуқароларни ёш белгилаш комиссиялари ихтиёрига юбориши, фаолияти тугатилган комиссиялар эса бу масалани оқибатсиз қолдириши, фуқароларнинг сарсон-саргардон бўлиш ҳолатлари юзага келган эди. Табиийки, бу кўпчиликнинг норозилигига сабаб бўлди. Шуни ҳисобга олиб, Олий Суди Пленуми шу йил 14 июн куни "Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг фуқаролик ишлари бўйича қабул қилган айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 2-сонли қарорида юқорида баён этилган қарор бандига қуйидагича ўзгартириш киритди: "Юридик фактларни белгилаш тартибида фуқароларнинг ёшини аниқлаш судларга тааллуқли бўлмай, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш идоралари (ФҲДЁ) томонидан Фуқаролик Кодексининг 38, Оила кодексининг 228,233-моддалари ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларининг 139-140,154-155, 185-бандларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Агарда тегишли ҳужжатларга эга бўлмаган ёки уларда ёши ҳақидаги маълумот бўлмаган ёхуд бундай маълумотларда қарама-қаршилик бўлган ёинки ҳужжатларда кўрсатилган туғилганлик санасига эътироз билдираётган фуқаронинг талаби ФҲДЁ идораси томонидан рад этилса, мазкур хулоса устидан аризачи Фуқаролик Процессуал Кодексининг 209, 274-моддаларига асосан судга шикоят қилишга ҳақли". Ушбу янгилик баён этилган муаммога шу тарзда якун ясади.

Шунингдек, Олий суд Пленумининг мазкур қарорида Олий суд Пленумининг 1992 йил 13 ноябрда қабул қилинган (1998 йил 11 сентябрдаги Пленумидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган) "Фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларидаги хатоликларни белгилашни тартибга солувчи қонунчиликни судлар томонидан қўлланиши ҳақида"ги 5-сонли қарори 1-бандининг биринчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён қилинди: "Тушунтирилсинки, фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларидаги нотўғриликларни белгилаш тўғрисидаги ариза, агар дастлабки ёзувлар сақланган ёки тикланган бўлса ёки уларга фарзандликка олиш, оталикни белгилаш, фамилияси, исми, отасининг исмини ўзгартириш, вояга етмаган боланинг фамилиясини ўзгартириш муносабати билан фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш идораси томонидан ўзгартиришлар киритилган бўлса ёхуд фуқаролик ҳолати далолатномаси ёзувларида жиддий тафовутлар бўлса, Фуқаролик кодексининг 38, Оила кодексининг 228, Фуқаролик процессуал кодексининг 274-моддалари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 171-сонли қарори билан тасдиқланган фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларига биноан судлар томонидан кўрилади". Бундан ташқари, ушбу қарорнинг 9-банди 1-хатбошисидаги "Тикланган туғилганлик ҳақидаги ёзувдаги ёшни нотўғрилигини белгилаш масаласини суд ёзувдаги ёшни нотўғрилигини тасдиқловчи ёзма ва бошқа далилларга асосланиб ҳал этади" ёзуви иккинчи хатбоши билан тўлдирилиб, қуйидагича баён этилди: "Суд, тақдим этилган далиллар аризачининг туғилганлик ҳақидаги тикланган ёзувнинг нотўғрилигини белгилаш учун етарли эмас деган хулосага келса, ўз ташаббуси билан ёки тарафларнинг талаби асосида тегишли экспертизалар тайинлаш мумкин". Кўриниб турибдики, инсон ёшини аниқлаш тартиби қонуний ечимини топди. Бу фуқароларга қулайлик яратиш баробарида қонун устуворлиги таъминлашга хизмат қилади.

LEX SALICA

Қадимги Рим Галлияси ҳудудларида таркиб топган ва V-VI асрларда ҳарбий Европадаги энг йирик варварлар қироллигига айланган салик франкларининг қадимги суд одатлари ёзувлари "Lex Salica" — «Салик ҳақиқати» деб аталган. "Салик ҳақиқати" варварлар қонунлари тўпламининг энг қадимгиси ва ягонаси бўлмаса-да, ушбу тўплам бошқа тўпламларга қарагандa бизгача нисбатан тўлиқлиги ва даврийлиги бўйича бир қанча нусхаларда етиб келган манбадир.



Ушбу тўпламнинг яна бир ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда қадимги герман ҳуқуқига хос бўлган қонун-қоидалар, шунингдек, қачонлардир Юлий Цезарь ва Тацитлар томонидан ўрнатилган қоидалар ҳам ўз аксини топган.

Мазкур тўпламда фуқаролик, фуқаролик-процессуал, жиноят, жиноят-процессуал меъёрлар жамланган. Хусусан, унда мулкий муносабатлар ва уларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши, жиноятлар ва уларни содир этганлик учун жавобгарлик чоралари, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар, мерос масалалари, етказилган зарарни ундириш тартиби каби қўплаб ҳуқуқий муносабатлар белгиланган. "Салик ҳақиқати"да айниқса суд-ҳуқуқ масалаларига оид меъёрлар жуда мукаммал аснода ўз ифодасини топган. Хусусан, унда судда иштирок этишнинг процессуал тартиблари, ҳуқуқбузарликнинг турлари ва уларни содир этгани учун жавобгарлик, судга келмасликнинг оқибатлари ва суд процессуал муддатларини бузганлик учун жавобгарлик масалалари сингари қатор меъёрлар баён этилган.

Шуни айтиш жоизки, мазкур тўпламнинг биринчи бўлими судларга бағишланган бўлиб, унда судга чақириш масалалари атрофлича ёритиб берилган. Агар судга чақирилган шахс узрсиз сабабларга кўра, судда ҳозир бўлмаса, моддий жавобгарлик чоралари қўлланилиши, яъни жарима ундирилиши белгилаб қўйилган.

Жиноят ҳуқуқи масалаларига келсак, тўпламда ҳар бир жиноятни содир қилгани учун қандай жазо чораси қўлланилиши аниқ кўрсатиб ўтилган. Масалан, ўғирлик жинояти учун жавобгарликка тортиш ўғирлик содир қилишнинг усуллари, ўғирланган мол-мулкнинг миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилган.

Агар шахс бошқа бир шахснинг зўрласа ёки номусига тегса, жарима тўлаш билан бирга жисмоний жавобгарликка ҳам тортилган, яъни 300 дарра урилган.

Бундан ташқари, мазкур тўпламда шахснинг соғлиғи ва ҳаётига қарши қаратилган ҳар қандай тажовуз энг оғир жиноят деб ҳисобланган. Ва бундай жиноятларни содир этгани учун энг оғир жазо чоралари қўлланилган. Агар бу турдаги оғир жиноятлар қул томонидан содир этилган бўлса, у ўлим жазосига маҳкум қилинган ва у омма орасида дорга осиб ўлдирилган. Яна шуниси қизиқки, агар бирон-бир шахс гуноҳкорни дорга осишаётганида қаршилик кўрсатса, бундай қилмиш учун у ҳам ўлим жазосига маҳкум этилган.

Шунингдек, бу тўпламда ҳақорат қилганлик учун ҳам жавобгарлик чоралари белгилаб қўйилган. Мисол учун айтадиган бўлсак, шахсни "бадбашара", "бўри", "қўён", "алдоқчи" каби сўзлар билан ҳақорат қилиш ҳам ҳеч қачон жазосиз қолмаган.

"Салик ҳақиқати"нинг жиноят ҳуқуқига доир бўлимларининг ўзига хос хусусиятларидан бири яна шундан иборатки, ўша даврнинг жиноят ҳуқуқига кўра, жиноятнинг субъект ёши 12 ёшдан қилиб белгиланган. Агар 12 ёшга тўлмаган шахс жиноят содир этса ва содир қилган жинояти оқибатида бошқа шахсга зарар етказилса, бу зарарни қоплаш боланинг ота-онаси ёки қонуний васий, ҳомийлари томонидан амалга оширилган.

"Салик ҳақиқати"нинг мукаммал тузилганлининг яна бир исботи шундан иборатки, унда атроф-муҳитни бузганлик учун ҳам жавобгарлик чоралари белгилаб қўйилган.

Шунингдек, ёлғон гувоҳлик берганлик учун ҳам оғир жавобгарлик чоралари қўлланилган.

"Салик ҳақиқати"нинг яна бир ўзига хослиги унинг универсал табиатга эга эканлиги билан изоҳланади. Яъни унда жиноят ҳуқуқи, жиноят-процессуал ҳуқуқи ва жиноят-ижроия ҳуқуқи қанчалик тўлиқ ва мукаммал акс этган бўлса, фуқаролик ва фуқаролик-процессуал ҳуқуқига оид меъёрлар ҳам худди шундай тартибда ўз ифодасини топган. Айниқса, тўпламда мулк, мерос ва мажбурият масалалари атрофлича ёритиб берилган. Жумладан, унга кўра, ўша даврда молмулкни бошқа шахсга ўтказиш фақатгина суд орқали амалга оширилган. Бундай вазиятда мулкни бошқа шахсга ўтказувчи шахс судга ўзи билан бирга мулки ўтаётган шахс ҳамда яна учта гувоҳни ҳам олиб бориши шарт бўлган.

Шу билан бирга мулкни мерос қилиб бошқа шахсга ўтказиш тартиби ҳам аниқ кўрсатиб ўтилган. Энг муҳими, ўша даврда жорий этилган тартиб бугунги кунда қўлланиб келинмоқда. Мерос васият бўйича ёки бундай васият мавжуд бўлмаган тақдирда мерос қариндошлигига қараб тақсимлаб берилган. Яъни меросдан энг аввало, мерос қолдирувчининг яқин қариндошлари орасида тақсимланган. Бироқ шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, агар мерос қолдирувчининг меросга даъвогарлик қила оладиган 6 та авлоди бўлмаса, бундай вақтда барча мол-мулки қироллик хазинасига ўтказилган.

Яна бир қизиқ жиҳати шундаки, ўша даврда ер мулки аёлларга мерос қилиб қолдирилиши қатъиян ман этилган.

"Салик ҳақиқати" тўпламида фуқаролик ҳуқуқига дахлдор мажбурият ва даъво муносабатлари ҳам кенг ифодалаб берилган. Чунончи, унда фуқаролик-ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолати ва уларнинг шартномалар бўйича мажбуриятлари, шартнома шартларини бузгани учун жавобгарлик масалалари, даъволар ва уларнинг турлари, даъво қўзғатиш шарти ва тартиби каби қатор меъёрлар ҳам белгилаб берилганки, бу ўша даврда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга киришишда дастур сифатида хизмат қилган.

Бундан англаш жоизки, бугунги кунда дунёнинг қатор мамлакатида амалда бўлган қўплаб ҳуқуқ меъёрларининг илдизи айнан ўша қадимги Рим ҳуқуқига бориб тақалади.

Умуман олганда, "Салик ҳақиқати"нинг яратилиши ўз даврининг юридик оламида катта бир янгилик бўлган, десак, муболаға эмас. Мазкур тўплам ҳозирги кунда ҳам аҳамиятини йўқотмаган.

Акмал БУРҲОНОВ,
ҳуқуқшунос

Jahon tajribasi

Инсоннинг бахтли бўлиши нималарга боғлиқ, деган саволга бериладиган жавоблар турлича бўлиши тайин. Бироқ бундай жавоблар ичида ярим ҳазил, ярим чинлари ҳам бор. Улардан бирида айтилганича, киши ҳаётда бахтли яшаши учун қачон оила қурмоғи ва қандай оилада туғилиши керак. Бироз кинояга қорилган бу гапда ирсият ва оила тарбиясига ишора қилинаётганини сезиш қийин эмас.

СЕРВАНТЕСНИНГ ЭРКИН ХАЁЛИ

Журналист Бобомурод Эралиев "Яшаш учун кечикманг!" сарлавҳали мақоласида ("Инсон ва қонун", 2002 йил, 8 октябр сони) умр мазмуни ҳақида мулоҳаза юритиб, "энг катта бахт"ни шундай талқин этади: "Инсон учун энг катта бахт ғафлат уйқусидан уйғониб, ўзининг ким эканини ва қўлидан нималар келишини тўғри англаб олмоғи ва ҳаётда шунга интилиб яшашдан иборат. Бунинг маъносини англаган инсонлар бу дунёда энг бахтли инсон дейилишига ҳақлидирлар".

Бу тўғри фикр, гарчи умумийроқ бўлса-да, ўйлашга, тириклик моҳияти ҳақида мулоҳаза қилиб кўришга туртки беради. Қолаверса, мақола сарлавҳаси — "Яшаш учун кечикманг!" дея қилинган даъват ҳам бир зум кишини сергаклантиради: яшашга кеч қолмаяпманми, кечикмаслик учун отни қамчилашим керакмикан, деб ўйлаб қоласан киши. Бу содда, самимий маслак, аслида бизни бир тўхтаб олиб, атрофга разм солиб, туриш-турмушимиз, феъл-атворимизу касб-коримиз борасида озроқ фикрлаб кўришга ундайди.

Рус адиби Василий Шукшиннинг бир ҳикоясида ҳар қандай донони бир чўқишда қочирадиган "қишлоқлик Суқрот" шаҳарлик номзоди билан беллашади. Атроф ишқибозларга тўла. Мунозара мавзуининг аҳамияти йўқ, чунки қанақа масалада бўлмасин "қишлоқлик Суқрот" рақибини "синдириши" тайин. Бунга ҳамқишлоқлари ҳам ишонади. Аслида уларга ҳам баҳс мавзусининг аҳамияти йўқ. Қизиғи — тортишув бўлса, шаҳарликнинг юзи шувут бўлса, қисқаси, оломонга томоша керак, мазмунга ҳожат йўқ. Вақт ўтса бўлгани, эрмак топилса бас!

Ёзувчи эрмакка ишқибозлик одамларнинг турмуш тарзига айланиб қолганини фожиа сифатида кўрсатади. Шукшин бир мақоласида жуда кўплаб одамлар бу дунёга келиб-кетишаётганининг маънисини тушунмай, яшаб юрганларини куюниб айтади. Қишлоқларда қишнинг узоқ оқшомларида хира чироқ ёруғида уймалашиб, топса бир шиша ароқ, топмаса бир бурда нонни кавшаб, тонггача қарта ўйнаб умрини елга совураётганлар камми?

Бундайларни кўрганингда ўша ҳазил жавоб ёдингга келади: ҳа, булар туғилишда адашган, ота-онани ҳам, оилани ҳам танлай билмаган, дейсан мийиғингда кулимсираб. Агар масалага жиддий қарайдиган бўлсак, инсон бахти нари борса, бир бош узумни еб битиргунча ўтиб кетадиган умр фурсатига боғлиқ. Вақт одам тақдирида бурилиш ясайдиган ҳал қилувчи омилларнинг етакчисидир.

«Дон Кихот»нинг муаллифи ўн саккиз йил қамоқда ўтириб келгандан кейин бу романини ёзган. Хўш, Сервантес қисматида вақтнинг аҳамияти қай даражада бўлган? Эҳтимол, у қамалмаганда шу ўн саккиз йилда яна тўртта-бешта "Дон-Кихот"дай асар ёзган бўларми-ди? Сервантеснинг тақдири шундай кечдики, у умр бўйи эркин инсон бўлишни орзу қилиб яшади, ҳур фикрга ташналик, эркин хаёл оғушида ўтган тақдир унга "Дон Кихот"ни ҳадя этди.

Хўш, Сервантеснинг эркин хаёлини қандай тушуниш керак?

Назаримда, бу ўринда бизга олмониялик файласуф Фридрих Нитшенинг қуйидаги эътирофи ёрдам берар: "Эркин одам баб-баравар ёмон ҳам, яхши ҳам бўлиши мумкин, бироқ эркин бўлолмаган одам — табиат учун шармисорлик ва унинг учун на кўкда, на ерда юпанч-тасалли бор. Худди шунингдек, кимда ким эркин бўлмоқчи экан, бунга ўзи эришмоғи керак ва шу билан бирга эркинлик ҳеч кимнинг қўлига мўъжизавий ҳадя каби берилмайди".

Яъники, улуғ бобомиз ҳазрат Алишер Навоий уқтирганларидай:

Ўз вужудингга тафаккур айлагил,
Ҳар не истарсан ўзунгдан истагил!

Қачонки бирор-бир ақлли гап айтаман десанг, беихтиёр доноларнинг айтиб кетган ҳикматли фикрлари ёдингга тушаверади, деган экан бир мутафаккир. Унинг беғараз ёзғиришида ёруғ бир самимият бор: ақллардан қувват олган ақлгина шундай эътирофни ўзига лозим кўради. Нима демоқчимиз?

Яшаш учун кечикмасликнинг бирдан-бир йўли — бу катта мақсад йўлидан муттасил интилиш. Майда мақсад одам шахсини парчалаб ташлайди, унинг вақтини, мисоли бир ҳовуч донни минглаб чумолилар бир зумда ташиб кетганидай, емириб битиради. Безовталик, изтироблар, изланишлар билан тўла умр кишида чинакам ҳавас уйғотади. **"Роҳатсиз ҳаёт йўқ: роҳат учун кураш ҳаёт учун кураш демакдир"** (Ф. Нитше).

Аслида, тирикликнинг мўъжизавий куч-қудратини вақт белгилайди. Фикрлашга эринмаган, тафаккур дунёсига ошно бўлолган одам осмондаги ойни олиб беришга қодир бўлади. Унинг учун яшаш, яшамоқ фикр ва ҳаракат қилмоқни англатади ва бу аъмоли уни кўпчиликдан бир терак бўйи юқорида кўтариб туради. Инсон эканидан, яшамоқ бахтига муяссарлигидан, олдида тараққиёт ва фаолиятнинг сўнгсиз имкониятларини кўриб қалби ифтихор ҳисларига тўлади. Ва бундай одам ҳеч қачон яшаш учун кечикмайди.

Аҳмад ОТАБОЕВ,
журналист

Aks-sado

Ушбу сондаги суратлар муаллифи А. ЖУМАЕВ

Taqdir tarixi

МАҲАТМА ГАНДИ
ҲАҚИҚАТГА ТАЛПИНГАН ЮРАК



Маҳатма Ганди 1869 йил 2 октябрда Ҳиндистоннинг Гужорат штатида донишманд Кабо Ганди оиласида туғилади. Отаси савдогар бўлиб, давлатнинг юқори лавозимлардан бирида ишлаган. Оиладагилари, айниқса, онаси жуда оқила аёл бўлган.

Ўн саккиз ёшида Ганди ўқиш учун Англияга кетади.Унинг ўша пайтда чет элга ўқишга кетиши ҳам кўп можароларга сабаб бўлади.Чунки дўстлари ва атрофидагилар унинг чет элда таълим олишига хайрихоҳлик билдиришмайди.

1893 йилда адвокатлик дипломини олган Ганди Жанубий Африкага жўнатилади. У ердаги зўрлик ва зўравонликларни кўриб, унга қарши кураша бошлайди. Жаҳон жамоатчилиги эътиборини бу воқеаларга қаратади.

Гандини кўпчилик инглизпарастликда айблашиб, унинг таълимотида Англия таъсири кучли бўлганини айтишади. Бироқ у том маънода Ҳиндистон фарзанди эди. Шунинг учун унинг таълимоти, энг аввало, ҳинд фалсафасидан озиқланади.

У ўқувчилик пайтидаёқ "Рамаяна", "Бхагавадгита" каби халқ ҳиндистондаги илк қаршилик ҳаракати 1919 йилда бўлиб ўтади. Бироқ Ганди буни "Ҳимолай тоғи каби улкан хато эди", деб баҳолайди. Ганди назарида, халқнинг ўзи ҳали тайёр бўлмаса-да, бу ҳаракатга жалб этилгани катта хато эди.

Ганди курашнинг ошкора ва тинч йўлини маъқуллайди. У буни шундай изоҳлайди: "Бугун биз бир ёхуд икки эмас, тўрт юз миллионлар бўлиб бирлашишимиз керак. Тўғри, бугун уларнинг бари фаол эмас, бироқ бизнинг очиқ кураш усулимиз уларни фаолликка етаклай олиши зарур.Чунки бирон яширин ёки махфий ҳаракат ҳеч бир миллатни, миллионлаб кишиларни уйғотишга қодир эмас".

Қаршилик ҳаракатининг кураш усули рақиб томонга ҳеч қандай жисмоний ва моддий зарар етказмасдан мақсадга эришиш эди. Бу жуда қийин усул бўлиб, халқнинг бунга тўлиқ тайёр бўлишини талаб қилар эди. Бу ҳаракат Ганди ва унинг маслакдошларининг саъй-ҳаракатлари билан Ҳиндистон миллий конгресси томонидан тан олинади. 1920 йилда бўлиб ўтган ҲМКнинг навбатдан ташқари сессиясида эса Ганди томонидан тайёрланган "Куч ишлатмасдан ҳамкорлик қилмаслик" дастури инглиз колониатрларига қарши умуммиллий кураш усули деб эътироф этилади. Шу муносабат билан ҳиндистонликлар хориж маҳсулотларини харид қилмаслик, уларнинг сайловлар ва ҳарбий хизматида иштирок этмаслик, мактаб, коллеж ва олий ўқув юртларида ўқимасликка чақирилади.

Шундан келиб чиқиб, мамлакатда "Туз юриши" деб ном олган норозилик юриши бўлиб ўтади. Халқ ўртасида туз олишнинг қўлбола усули оммавий жорий этилгач, халқ колониатрлар дўконидан туз харид қилмай қўяди.

Гандини муҳолифлари курашнинг воқеликка зид бўлган сунъий усулини танлаганликда айблашади. Аслида эса унинг усули табиий усул бўлиб, ҳинд халқининг миллий руҳиятига жуда мос эди. Қолаверса, бу усул заифлик ёки ожизликнинг белгиси эмас, аксинча, жуда катта жасорат ва матонатнинг, инсонга, унинг қалби ва руҳиятига бўлган улкан ишончнинг нишонаси эди.

Гандининг мақсади Ҳиндистон мустақиллигига етишиш, ҳамма миллатларнинг тенг ва тинч-тотув, бахтли яшашига эришиш эди. Бу ғоялар ҳар бир ҳиндистонликнинг юрагидан жой олиши учун Ганди уларни содда, бироқ халқ эпосидаги анъана ва қадриятларни ўзига сингдирган фалсафий мантиқ билан баён қилиб берди. "Ҳурлик бошқа биров учун эмас, энг аввало, ҳар бир индивид учун аҳамиятлидир. Борлиқни, дунёни кўпроқ мева ва ҳосил қизиқтиради, илдизлари эмас. Дарахт эса кўпроқ идлизларини ўйлайди. Инсон ҳам энг аввало ўз ботинига суяниши, ўз меҳнати ва изтироби билан руҳиятини тарбия этмоғи, ўз идизига кўпроқ эътибор бермоғи лозим".

Унинг ақидасига кўра, инсон рақибини енгишдан олдин ўз нафсини, манманлигини жиловлай олиши, ўзини бошқара билиши лозим. Ҳар қандай зулм ҳам биринчи навбатда инсон эрки ва тафаккурининг душманидир. Ўз ботинига суянган кишигина ҳар қандай зулм ва зўрликка қарши тура олади. Зулмни зулм, зўрликни зўрлик, ёвузликни ёвузлик билан енгиб бўлмайди. Зулм ҳамиша зулмни, зўрлик зўрликни туғдиради. Оқибатда инсон ташқи зулмни йўқ қилиб, ички зулмга дуч келади. Фақат эзгу сўз, эзгу амал, ботиний ҳақиқатгина инсонни тўғри йўлга етаклайди.

1947 йилга келиб Ганди орзулари руёбга чиқади – Ҳиндистон ўз мустақиллигини қўлга киритади. Бу жуда катта тарихий воқеа эди. Бироқ Гандини энди бошқа нарса қийнайди – ўз ери ва мулкини қўлга киритган маҳаллий мулкдор ватандошларига нисбатан адолатли муносабатда бўлармикан?

Бундан англаш мумкинки, Ганди таълимоти фақат мустақилликка эришиш билан кифояланиб қолмайди. У ҳамма бир-бири билан тенг бўлган одил жамият қуришни истайди. Ганди таълимотига кўра, инсон ким ва қандай мартабада бўлишидан қаттий назар бировнинг ҳисобига яшамаслиги, ўз меҳнати билан кун кўриши лозим. Гандининг бу қарашлари буюк алима Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг "Дилинг Оллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин", деган қарашларига ҳамоҳангдир. Бу тасодифиймиди?!

Кўпгина тадқиқотчилар Ганди Бобурийлар, умуман ислом тарихини яхши билгани ҳамда унга буюк меҳр билан муносабатда бўлганини ёзишади. Шу маънода айтиш мумкинки, Ганди қарашларида Шарқ Ғарб, буддизм, ислом ва христианлик ақидаларининг синтез бўлганини кўриш мумкин.

Ганди ўз ғояларининг муаллифи ёки фақат тарғиботчиси бўлиб қолмаган. У қандай эзгу фикрни илгари сурган бўлмасин, биринчи навбатда унга ўзи амал қилган. Шунинг учун ҳам ўзидагини муҳтож ватандошларига бўлиб беради, уйсизларга уйининг тўридан жой беради, ҳар қандай меҳнатни ўзи қилиб, ўзи ўрнак бўлади. Гандининг ютуғи ҳам мана шунда эди. У ўз сўзи, ўз амали билан ҳамиша ҳаммага ўрнак бўла олганди.

Ганди таълим тизимига маълум ўзгаришлар олиб кирди. У бола тарбиясида оила, ота-онанинг ўрнини катта деб билади. Шунинг учун ҳар бир ота-она ўз ахлоқи, таълим тарбияси ва билими билан болага ўрнак бўлиши лозимлигини уқтиради. Айниқса, тарбияда меҳнатнинг ўрни жуда юқори эканини таъкидлайди. Умуман, Ганди таълим ислоҳотларига ҳаётдаги бошқа ислоҳотлардан айро ҳолатда қарамайди. У ҳаётдаги барча ислоҳотлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ эканини, барча ислоҳотларда инсон ахлоқи ва руҳияти тарбиясига катта эътибор бериши лозимлигини таъкидлайди.

Ўтган асрнинг қирқинчи йилларидан кейин Ҳиндистонда вазият янада қалтис тус ола бошлайди. Мамлакат яна диний ва ирқий тўқнашувлар исканжасида қолади. Маҳаллий мулкдорларнинг айримлари манфаатларига тўқнаш келаётгани боис энди Гандининг хатти-ҳаракатларини хушламай қўйишади. Ганди анчайин қариб қолган бўлишига қарамай, биринчи навбатда бундай можароларга, диний, ирқий, ижтимоий ноҳақликларга чек қўйилишини талаб қилиб, бир неча бор очлик эълон қилади. Ниҳоят, зиддиятчи томонлар раҳбарларининг келишувига биноан у 1948 йилнинг 18 январида очликни тўхтатади ва оломон қаршисига чиқиб, нутқ ирод қилишга розилик билдиради. 30 январ куни халқ олдида ҳаммани бирдамликка чақириб нутқ ирод қилаётган Гандига қарата уч марта ўқ узилади.

Унинг ўлими бутун мамлакатни ларзага солади. Оддий ва камтарона ҳаёт кечириб, ўз ақидалари билан Ҳиндистон тарихида улкан бурилиш ясаган буюк донишманд шу тахлит ҳаётдан кўз юмади.

Ана шундай умр кечирган буюк инсон халқининг азалий орзуси - Ҳиндистон мустақиллигига эришди. Ганди тимсолидаги донолик ва тадбиркорлик ана шундай улуғ ва бебаҳо неъматни қўлга киритди. Шу ўринда у миллатлараро низолар ва ёвузликка барибир чек қўя олмади, деган эътироз туғилиши табиий. Туғри, у ёвузликка буткул чек қўя олмади. Зотан, бу бир инсоннинг қўлидан келадиган иш эмас. У фақат миллат озодлиги учун курашиш лозимлигини, бу курашда ҳар бир инсоннинг ўз ўрни борлигини амалда исбот қилди. Энг муҳими, ҳақиқат учун курашни бир лаҳза ҳам тўхтатиб бўлмаслигини, инсон сўзи, амали ва ҳаёти билан уни исбот этиши лозимлигини ўз ҳаёти мисолида кўрсата олди. Унинг машаққат ва матонат билан ҳақиқатга талпинган юраги миллионлаб кишиларнинг қалбига ҳақиқат оловини ёқиб кетди. Эҳтимол, шунинг учун ҳам у ўзининг таржимаи ҳоли ёзилган китобини "Менинг ҳаётим" ёхуд ҳақиқатга талпиниш" деб атагандир?!

Ганди ўлимидан сўнг эллик йилдан кўпроқ вақт ўтди. Бу давр мобайнида кўплаб сувлар оқиб кетди. Бироқ бугун инсоният бошига катта хавф солаётган глобал муаммоларга назар ташлар эканмиз, турли хил тўс-тўполонлар ва можаро шовқини аро унинг донишмандлик билан айтилган ўгитлари ҳақиқат эканига яна бир карра амин бўламиз.

Жаббор ЭШОНҚУЛ

Jaholat

ЁПИҚЛИК ҚОЗОН... ОЧИЛДИ

Гулларнинг ифору атри, тўлин ойнинг нурларига ғарқ бўлган баҳор кечасида эр-хотин ширин уйқуда ётган хобгоҳга юзларига қора ниқоб тортган икки босқинчи кирдида, кўз очиб юмгунча уларни таппа босиб, қўл-оёғини боғлаб ташлашди. Сўнг худди кинодаги сингари оғизларига латта тиқишди. Босқинчилардан бирининг қўлида қирқма милтиқ, иккинчисиникида эса пичоқ бор эди. Дераза-дан тушиб турган ой нурида уларнинг қора шарпаси ғира-шира кўзга ташланар эди, холос.

— Сенларда 3 килограмм қуйма тилла, юз минг доллар бор экан, ҳозир қаердалигини айтсанг-айтдинг, йўқса, эр-хотин иккаланг-ни ҳам ўлдирамиз, — дея улардан бири дўқ урди.

— Бизда бунча бойлик йўқ, - деди беҳосдан бўлган ҳужумдан эсанкираб қолган эр қалтираган қуйи.

— Ҳали шунақами?! - дея босқинчилардан бир қўлидаги милтиқнинг қўндоғи билан эрнинг бошига кетма-кет урди.

Иккинчи босқинчи ҳам аяб ўтирмади. У эрнинг билаги ва кўкрагига пичоқ санчди.

— Яхшироқ ўйлаб кўр, олтин ва долларларнинг қаердалигини айтмасанг, ўлдирамиз, - ейишди улар яна дўқ-пўписа билан.

Жон кўзига ширин кўринган, кўз олдига болалалари келган, бунинг устига оғзига латта тиқилганча, жавдираб турган аёлига бирор зарар етмасин деб эр қўшни хонадаги қизининг тўйига атаб йиғиб қўйган 600 минг сўм пул турган жойни кўрсатди. Шунингдек, дераза рақида турган 35 минг сўм пул ҳам босқинчилар қўлига ўтди. Бироқ босқинчилар бу билан қониқишмади.

— Сенларда қуйма тилла бор. 100 минг АҚШ доллари қаерда, айтмасанг ўлдирамиз, — деб қўрқитишди улар.

Қўрқиб кетган уй эгалари яшириб қўйишган тилла тақинчоқ ва 800 АҚШ долларини ҳам босқинчиларга беришди. Нафси ҳақалак отган босқинчилар яна эр-хотинга азоб беришни давом эттиришди.

— Қизимнинг тўйига атаб йиғиб қўйган сепим бор, ўшаларни ола қолинглар, - деди азоблардан жони қийналган хотин кўзларида ёш билан.

Шунда босқинчилар сандиқни очиб, ичидан бир дона чўнтак соати, бир дона қўл соатини олишди. Уйдан чиқиб кетишаётганда яна дўқ-пўписа қилишди:

— Агар милицияга хабар берсанг, ўғлинг Азизбекни ўлдириб кетамиз.

Ўғли ва оиланинг бошқа аъзолари хавфсизлигини ўйлаб, уй эгалари бўлиб ўтган воқеа хусусида ҳеч кимга ломлим дейишмади. Бошқача айтганда, ёпиқлик қозон ёпиғлигича қолди.

Шу тарзда босқинчилар уй эгаларининг 635 минг сўм нақд пул, 800 АҚШ доллари, 2000 сўмлик қўл соати, 1000 сўмлик чўнтак соати, 1 миллион 220 минг сўмлик уч жуфт аёлларнинг тилла билагузуги, нархи 530 минг сўмлик бўлган икки дона тилла занжир, 415 минг сўмлик етти дона тилла узуклар, 360 минг сўмлик бўлган 8 жуфт тилла сирға — жами 3 миллион 436 минг 632 сўмлик мол-мулкини олиб чиқиб кетишди. Улар воқеа жойидан яширинишар экан, жиноят изларини йўқотиш мақсадида қирқма милтиқ, пичоқ, қўлқоп ва ниқобларни дарёга улоқтириб юборишди.

2001 йилнинг баҳор ойларида бўлиб ўтган мазкур воқеа қорлар ёғиб, излар босилгандек натижасиз қолиб кетган эди. Аммо, халқимиз қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилда ҳам чиқади, деб бежиз айтмаган. Гап шундаки, босқинчилар Чирчиқ шаҳрида яна бир босқинчилик содир этишган пайтда қўлга тушишди.

Тергов-суриштирув ва суд жараёнида уларнинг олдинги қабиҳ жиноятлар ҳам ошкор бўлиб қолди. Катта бир корхонанинг раҳбари бўлиб ишлайдиган жабрланувчи ички ишлар бўлимига таклиф этилиб, тергов пайтида аниқланган воқеа айтиб берилганида, у буни тўла тасдиқлади ва оиласининг хавфсизлигини ўйлаб ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга хабар бермаганини тан олди.

Тергов давомида Шаҳрихон сойининг суви тўхтатиб кўрилганда, босқинчилар ташлаган ўша қирқма милтиқ топилди. Рад этиб бўлмас далиллар асосида Ўткир Умаров, Отабек Зиёевнинг жиноята фош этилди.

Шунингдек, уларнинг "раҳнамоси" бўлган Илҳом Маниёзовнинг қилмиши ҳам ўз исботини топди.

Босқинчиларга бошчилик қилиб, йўл-йўриқ кўрсатган, қирқма милтиқ билан қуроллантиргани эвазига 200 минг сўм улуш олган бу кимса ҳам қилмишига яраша жазо олди. Босқинчилар ёпиқлик қозон очилмайди, ҳаром бойлик тешиб чиқмайди, деб ўйлашиб қаттиқ адашишган эди. Бу текин пул топишни ҳавас қилган аймлар учун сабоқ бўлса, ажаб эмас.

Илҳом ЭГАМНАЗАРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири
Раҳматулла УЗОҚОВ,
ҳуқуқшунос

Giyohvandlik — ajal elchisi

ЗУЛУКСИМОНЛАР ҚИСМАТИ

Азалдан маълумки, меҳнат инсонни тарбиялабгина қолмай, уни юксакликка ҳам кўтарди. Инсонийликни ўзида намоён этолмаганлар эса шайтон тузоғига тезгина илинади. Буни гурланлик Ўрозбой Йўлдошевнинг ҳаёти ҳам яққол тасдиқлайди. У аввалига танбаллиги боис ҳузур-ҳаловатни меҳнатсиз турмуш йўлларидан излади. Турли кўчаларга бош суқди. Ҳалол меҳнатнинг оши ширин бўлишини ҳаёлига ҳам келтирмади. У ўзгалар яратган насиба эвазига яшашни ўзига эп кўрди. Шу ўринда баъзи мулоҳазаларимизни билдириб ўтсак. Гиёҳвандлик йўлига харжланаётган мол-мулкни моддий бойликлар яратишга сарфланса, инсоният турмуши нечоғли ўзгаришини тасаввур эта оласизми? Афсуски, баъзилар ўша бойликни шамолга совураяпти, фаровон турмушга етаклаши мумкин бўлган беҳисоб мол-бисотимизни бетайин гиёҳванд ва гиёҳфурушлар қўлига тутқазиб юборяяпти. Шундай экан, башарти жамиятда икки киши ҳаёт кечириб, бири ишласаю, иккинчиси ишламаса ёки бангилик кўчасини ихтиёр этса, билингизки, бешак иккинчиси меҳнат билан кун кўраётган биринчи кишининг ҳалол ошига беистиҳола шерик бўлаётган текинхўрдир.

Шу маънода гурланликлар Ўрозбой Йўлдошевнинг асл башарасини ўз вақтида пайқай олишмади. Пайқашганида эди, гиёҳфурушлик йўли билан машъум йўл ўзинигина эмас, оиласини ҳам аросатда қолдирди. Охир-оқибатда набакор фарзанддан ота ҳам безор бўлиб, ҳуқуқ муҳофазаси маҳкамасига ариза ёзиб, гиёҳванд ўғлини жиловлаб беришни сўради. Ота ўғли тақдиридан беҳуда ташвишланмаганди. И.Авазовнинг ён чўнтаклари ва яшаш хонаси кўздан кечирилганда, ўткир таъсир кўрсатувчи героин гиёҳванд моддаси топиб олинди.

Шум ният ва иродасизликнинг иллатларию оқибатларини айрим кишилар хаспўшлаб кетавершилари мумкин. Бироқ бу ҳолатни қонун асло кечирмайди. Тўғри, у йўлидан бир бора адашганларга мурувват кўрсатиши мумкин. Лекин Илҳом Йўлдошевга ўхшаб, такрор-такрор "адашаётган"ларни асло кечирмайди. Хўш, "қаҳрамони"миз аслида ким, дерсиз? Суд ва тергов ҳулосаларига таянадиган бўлсак, И.Йўлдошевни эндиликда фақат қонун таъсиридагина тарбиялаш мумкин. Унинг аввал ҳам қинғирлик кўчасига кириб судлангани, пировардида қилмишидан тегишли хулоса чиқармай, яна жиноятга қўл улгургани шуни тақозо этади. Ички ишлар ходимлари юриш-туриши доимо шубҳали бўлган бу кимсанинг "қадам"ларини назорат тартибида яна бир бора ўрганишди. И.Йўлдошев "гиёҳвандлик воситаларини сотиб олиш учун" милиция томонидан берилган 35 минг 100 сўм пулни чўнтакка жойлаб, "харидор"ни 0,84 грамм оғирликдаги героин моддаси билан "сийлаган" чоғда қўлган тушди. Шубҳа-гумонлар ўринли бўлиб чиқди. Бу тадбир гарчи И. Йўлдошев ва унинг оиласи учун кўнгилсиз тугаган бўлса-да, гиёҳвандликка қаратилган хатти-ҳаракати оқибатида рўй бериши мумкин бўлган бошқа талай жиноят ва кўнгилсизликларнинг олди олинди.

Шуни алоҳида айтиш жоизки, кейинги даврда мамлакатимизда гиёҳванлик билан боғлиқ жиноятларга қарши аёвсиз кураш олиб борилаяпти. Натижада кўплаб гиёҳвандлик, гиёҳфурушлик, наркобизнес билан боғлиқ ҳолатлар фош этилмоқда. Жиноятчиликнинг бу турига қарши кескин кураш очилгани, аввалига бангилик иллатларини кўплаб аниқлашга олиб келган бўлса, кейинчалик уни сезиларли камайтириш омилига айланди.

Юқорида жиноятга тақроран қўл урган кимсаларнинг аччиқ қисматидан сўз очдик. Ҳаёт айрим шахслар дунёқарашидан жиноятга мойиллик аломатлари мавжудлигини кўрсатади. Бундайларнинг барчасини жиноят йўлидан буткул асраб қолиш амримаҳол. Аммо кўпчилигини асраб қолса бўлади. Назаримизда, жамоатчилик ўзининг бу вазифасини етарлича адо этаолаётгани йўқ. Айрим жиноий ва қонунбузарлик хатти-ҳаркатлари лоқайдлик ва бепарволик натижаси, десак хато қилмаган бўламиз. Яратган ҳам "ўзини асрай олганни асрайман", дер экан. Модомики, сиз ўзингизни асрар экансиз, бу билан жамиятни асрашга ҳам улуш қўшган ҳисобланасиз. Бунинг акси кузатилган жойда эса аянчли натижалар юзага келади.

Кўчқор РАҲИМОВ,
Гурлан тумани

ўзгаларнинг ҳалол пулини тортиб олиш ва шу аснода текинхўрларча ҳун кечиришга қаратилган шумқадамлар пайини аллақачон қирқкан бўлишарди. Афсуски, Ўрозбойнинг яқинлари, маҳалла-кўй бу масалада сукут сақлашди. Натижада у ўз қилмишлари ҳақидаги овозалар ҳуқуқ идораларига етиб боргунга қадар гиёҳфурушлик фаолиятини "гуллатиб" юрди. Жиноятчиликка қарши кураш ходимлари унинг ўзи яшаётган Гурлан шаҳарчаси, Жалолиддин Мангуберди номидаги кўчанинг 106-уйда 22,4 грамм героин моддасини асраб қўйганини фош этишди. Бундан ташқари, унинг уйидан героинни истеъмол қилишда ишлатиладиган воситалар ва 565 минг сўм миқдорида пул ҳам топиб олинди.

Халқимизнинг ҳалол пулини давлат ғазнасига беришни эмас, балки чиркин йўлларга сарфлашни ният қилган Комилжон Ўрозматовнинг қилмишлари ҳам фош бўлди. Шаҳарчанинг Мадраҳимов номидаги кўчадаги 35-уйда яшовчи К.Ўрозматов аслида ўртанса ҳам қўймаган ўрганган кўнгилнинг "бандаси". Бундай дейишимизнинг боиси шуки, героинфурушлик Комилжон содир этган жиноятларнинг биринчиси эмас. У аввал ҳам судланган — ўғрилиги учун қонуний эса олган. Начора, иймон сустлиги, ирода бўшлиги уни яна "жар"га етаклади.

Ўз ҳатти-ҳаракатларини жиловлай олмаслиги оқибатида гурланлик яна бир фуқаро — Маҳтумқули номидаги кўчадаги 5-уйда яшовчи Искандар Авазов ҳам озод кунларга шукр қилмади. Иродаси тетик кишилар ҳаётда бир марта бирон тасодиф туфайли адашишлари ёки қоқилишлари мумкин. Иккинчи бор адашишни эса ўзини-ўзи тия олмаслик оқибати, десак, тўғрироқ бўлади. Ва бу тоифадагилар қонун йўли билангина жиловланади. И. Авазов ҳам муқаддам жиноят содир этган ва қилмишига яраша жазо олган эди. Бироқ у танлаган

Ўзбекистон Судялари Ассоциацияси ассоциация Марказий Кенгаши аъзоси, Олий Мажлис депутати Абдил Тўхташевга укаси

Исматилла ТЎХТАШЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий техника ва молиявий таъминлаш Департаменти жамоаси Тошкент шаҳар Ҳамза туман суд ижрочилари бўлинмасининг ходими

Раҳматулла ЗИЁДУЛЛАЕВнинг

бевақт вафот этгани муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

1996 йилнинг январидан нашр этилади
ИНСОН ва ҚОНУН
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ
Пўлат САМАТОВ
Хуршид СОДИҚОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Аслиддин БОЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шуҳрат ФАЙЗИЕВ
Ғафур АБДУМАЖИДОВ
Ислом ҲАМРО
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Холли НОРБОЙ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Буюртма Г-921. Тиражи — 10.000.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.30

Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ
Саҳифаловчи: Жаъфар ЖАББОРОВ
Компьютер операторлари: Мадина АБДУЛЛАЕВА, Дилноза ШОКИРОВА

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 132-14-18 (умумий бўлим), 133-70-65, 133-84-50

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.